1967 1-III/3

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ ҚАДАМИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 2 (13.562). 3 ЯНВАРЬ. 1967 йил СЕШАНБА. Баҳоси 2 тийин.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг звено бошлиғи С. Ақилбоев ва тракторчи Ж. Йўлдошев хўжаликда биринчи бўлиб звенога қарашли трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтини тугалладилар. Юқоридаги суратда Жуман Йўлдошев ва Сарсен Ақилбоев ўртоқлар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг слесари Риҳсихўжа Ашрапов беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки кунидан янада ғайрат билан ишламоқда. Корхонанинг дизель цехида ҳамкасбларига намуна бўляпти. Чапдаги суратда илғор слесарь Р. Ашрапов.

И. Глауберзон фотоси.

ОКТЯБРЬ КАМОЛОТИ ЙИЛИ

Бепоён Ватанимиз бўйлаб қутлуғ янги йил қадамламоқда. Куни кечаси соат миллари нақ 12 устида учрашган пайтда ўзининг улуғ вазифасини бажарган, ўз постида содиқ солдатдай хизмат қилган, бизга қадрдон бўлиб қолган эски йил билан навқирон, янги куч, янги ғайратларга тўла, биз орзиқиб кутган янги йилнинг ўрин алмашганлигини ҳаяжон билан кузатдик.

Олис Курил оролларидан қаҳрамон Брестгача, мовий тўлқинлар билан гупирган Болтиқ денгизи соҳилларидан оташнафас Кушкага қадар ёйилган бағри кенг, офтоб диёри бўлган Ватанимиз уфқларида янги, улуғ йилимизнинг алвон байроғи кўтарилди. Бепоён Сибирнинг тирбанд, ҳамиша яшил, қалин ўрмонлари, Тяньшань ва Казбекнинг осмонўпар чўққилари, Қозоғистон яйловлари, Украина буғдойзорлари, Ўзбекистон боғлари узра балқиб отган зафарбахш йил — юбилей тонгини бутун меҳримиз, бутун борлиғимиз, эришган ғалабаларимиз, янги улкан режаларимиз билан қаршилаб муборакбод этиб турибмиз.

1967 йил—Улуғ Октябрь инқилобининг ярим асрлиги йили, Совет ҳокимияти камолатининг 50 ёшлиги йили ўз шарафли бурчини ўташга киришди. Тарихда ҳар бир сананинг ўз ўрни, ўз аҳамияти бўлади. Бироқ XX асримизнинг бутун мундарижасини, бутун моҳиятини белгилаган, башар тарихида оламшумул ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар даврини бошлаб берган, буюк Ленин ҳаётининг туб мазмуни бўлган 1917 йилни — Октябрь йилини тарих ўз саҳифаларига олтин ҳарфлар билан мангуликка нақш этгандир. Шунинг учун ҳам совет халқи ва барча прогрессив инсоният Октябрь эллик ёшга тўладиган бу шарофатли йилни катта хурсандлик, ҳаяжон ва ифтихор ҳислари билан кутиб олди.

Янги йилни қувонч билан қаршилар эканмиз, анъанага мувофиқ, эски йилнинг ғоят катта хизматларини бир-бир тасаввурдан ўтказишга одатланганмиз. 1966 йил бутун мамлакатимиз учун улкан силжишлар, баракали зафарлар йили бўлди. Коммунистик қурилишнинг янги уфқларини белгилаб берган, партия ва халқ ҳаётида бебаҳо роль ўйнаган, жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборини жалб этган шонли XXIII съезд ҳам шу тарихий 1966 йилда бўлди.

Биз коммунистик қурилиш жабҳаларида янги-янги марраларни забт этдик: янги шаҳарлар қурилди, саҳролар гулистонга айланди, қудратли ГЭСлар ишга тушди, янги йўллар очилди, янги конлар топилди, денгизлар яратилди, фазога, ойга парвоз давом этди. Энг муҳими—партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиси ҳақидаги, унинг саодати ва фаровонлиги, моддий ва маънавий юксалиши ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги яхши самаралар берди. Жумладан, республикамиз меҳнаткашлари учун ҳам бу йил катта мардлик, жасоратлар йили бўлиб тарихга кирди.

Ўтган йил баҳорининг мусаффо субҳидамида азиз пойтахтимиз Тошкент табиатнинг ногиҳоний оғир зарбасини бошдан кечирди. Бу мудҳиш зилзила шаҳримизга, халқимиз қалбига катта ташвиш солди. Бироқ табиатнинг овсар ғалаёнини метин иродамиз, қатъият ва мардлигимиз енгиб чиқди. Бугун Тошкент қадрдон дўстларимиз кўмагида, бутун совет халқининг якдил иштироки натижасида янгича ҳусн кашф этмоқда, Иттифоқимизнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланмоқда.

Фарғона водийсида бўлиб ўтган тошқин офатлари ҳам пахтакорларимиз иродасини буқа олмади. Мард жасоратли «оқ олтин» ижодкорларимиз пахтадан шундай бекиёс, салобатли хирмон уйдики, унинг салмоғини ўлчашга тўрт миллион тонналик тош ҳам чоғ келиб қолди. Ўтган йил довруғи дунёни тутган Ўзбекистон меваларининг ҳам қайнаган йили бўлди.

Хуллас, бу катта мардлик, бойлик, зафарлар заминида халқларимизнинг улуғ яратувчилик қудрати, ўз даврига меҳр-муҳаббати, ғояларимизга садоқати, янада порлоқ эртамизга улкан ишончи барқарордир.

Янги йилнинг муборак жамолига боқар эканмиз, Улуғ Ватанимизнинг куч-қудратга тўла ярим асрлик баркамол ёшини кўрамиз. Ярим аср! Бу тарихан қисқа, аммо ғоят мазмунли улуғ давр. Инсоният ҳаётини янги ёрқин изга солган, минг йиллик орзу умидларини рўёбга чиқарган Ленин ғояларининг тантанаси даври. Бу йил октябрь ойида ана шу улуғ санани — муқаддас эллик йилликни халқларимиз катта байрам қилади.

Улуғ Октябрь юбилейи тонгини Ватанимизнинг барча халқлари қаторида бахтли ўзбек халқи ҳам катта қувонч, хурсандчилик, табассум билан қутлаб қарши олмоқда. Чунки буюк Октябрь ўзбек халқининг бахтини очган, уни тараққиёт чўққиларига йўналтирган, унга абадий баҳор, нур ва иқбол армуғон этган саодат замонидир. Октябрь сабабли ўзбек халқи асрий орзуларига эришди. Ўзининг қадимий, минг йиллик моддий ва маданий меросининг чинакам хўжайинига айланди. Октябрь туфайли халқимизнинг номи оламга ёйилди. Қисқа тарихий муддат ичида бутун-бутун замонлар орзу қилган юксалиш нуқталарига кўтарилди, маданияти, маърифати мислсиз ўсди.

Янги йил Ватанимиз ҳаётида, жаҳон халқлари тақдирида катта, порлоқ саҳифалар очишига ишончимиз комил. Чунки бутун жаҳон эли бизнинг Коммунистик диёримиз қиёфасида ўз эрталарини, нурли истиқболларини кўриб турибди. Октябрнинг ҳаётбахш ва илҳомбахш шабадалари барча қитъалар узра ғолибона эсмоқда. Кўпгина ўлкалар ва мамлакатлардан келаётган меҳмонлар, давлат арбоблари, туристлар, дўстларимиз ва рақибларимиз Ватанимиз халқлари эришган муваффақиятларни, коммунизм мўъжизаларини яратаётган халқимиз меҳнатини, халқларимизнинг жаҳон тарихида учрамаган мустаҳкам ленинча дўстлигини, якдиллигини кўриб, қойил қолмоқдалар.

1967 йил — жонажон халқимиз, Улуғ Ватанимиз учун янги парвозлар, тарихий зафарлар йили бўлажак. Шонли 1967 йил Ватанимиз тарихига янги-янги иқтисодий ривожланиш, маданий юксалиш йили бўлиб киради. Халқаро микёсда Ватанимизнинг обрўси янада ошади. Бутун дунёда дўстларимиз сафи кўпаяди. Марксизм-ленинизмнинг ўлмас, ҳаётий ғоялари тантана қилди, тантана қилаверади.

Йигит ёшинг муборак бўлсин, Улуғ Ватанимиз!

УЛКАН ОДИМЛАР

Республика Енгил саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган ялпи маҳсулот тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Министрлик корхоналарида планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Республика мебелсозлик корхоналарида катта ўзгаришлар бўляпти. «Шарқ» фирмаси ва Олмалиқ мебель фабрикасида лакни механизациялашган усулда қуйиш жорий этилди. Ёғоч материалларни қуритиб берадиган 20 та металл камера ишлаб турибди. 1966 йилда республика мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси корхоналари капитал маблағларни ўзлаштириш планини ҳам бажарди. Шу маблағлар ҳисобига йил сайин 3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган Самарқанд, 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Қува фабрикалари қуриб фойдаланишга топширилди.

Ёғочсозлик ва мебель саноати бошқармаси корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича беш йилликнинг биринчи йили планини ҳам бажардилар. 23 декабрдан буён 1967 йил ҳисобига маҳсулот тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб планга қўшимча 700 минг сўмлик мебель ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилди.

БИНОКОРЛАР ЗАФАРИ

Бинокорлар қадами қутлуғ касб эгалари. Улар иш бошлаган жойда янги уй-жой бинолари, улкан корхоналар, беҳисоб нур тарқатувчи электр станциялар, маданий-маиший муассасалар қад кўтаради. Беш йилликнинг биринчи йили республика Қурилиш министрлиги бинокорлари учун қут-баракали йил бўлди. Бош пудрат ишлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари топшириғи ортиғи билан адо этилди. Бажарилган ишлар ҳажми 1965 йилдагига қараганда 11,8 процент ортди.

Министрлик ихтиёридаги қурилиш ташкилотлари йиллик топшириқни 100,9 процент бажардилар. «Узбекшахтострой», Тошкентдаги 6, Фарғонадаги 8, Намангандаги 10, Қаршидаги 13, Фарғонадаги 14, Чирчиқдаги 160-трестлар, «Узтрансспецстрой», «Ташоблтрансспецстрой» ва Олмалиқдаги 1-ихтисослашган қурилиш трестларининг коллективлари ўтган йилни қувончли натижалар билан якунладилар. Министрликка қарашли шу каби трестлардан ўнтаси планни белгиланганидан илгари бажариб йил охиригача қўшимча равишда анчагина миқдорда қурилиш-монтаж ишларини адо этдилар.

Кечадан бошлаб ана шу коллективларнинг азамат бинокорлари янги йил вазифаларини бажаришга енг шимариб киришдилар. Республика бинокорлари ҳамиша зафар қучиб юрган кишилар. Улкан саноат объектларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Фарғона азот ўғитлари заводида дефолиантлар ишлаб чиқариш комплекси, нефтни қайта ишлаш заводида мойлов материаллари тайёрлайдиган цехлар, Олмалиқдаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатидаги мис саралаш фабрикасида 8- секция, Қалмоққир конида янги қувватлар, Фарғона ТЭЦида 4- турбина, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ун комбинатлари, суперфосфат заводида олтингугурт кислотаси цехи, Андижон, Бухорода янги консерва заводлари қуриб тамомланди. Республикамиз халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бинокорлар меҳнати билан кўпгина янги қувватлар ишга туширилди.

Министрлик корхоналари бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш планини ҳам адо этдилар. Беш йилликнинг биринчи йилида етти йилликнинг охирги йилидагига қараганда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 процент кўпайди. «Главстройиндустрия» корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 12,9 процент ўсишга эришдилар. Қурилишда меҳнат унумдорлиги кейинги бир йилда 7 процент кўтарилди.

Тошкентни қайта тиклаётган азаматлар, ирригация иншоотлари, улкан саноат корхоналари, уй-жой биноларини барпо қилаётган қадами қутлуғ қурувчилар янги йилнинг биринчи кунидан бошлабоқ ғайрат билан ишга киришдилар.

1967 ЙИЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

САМАРҚАНД, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Иштихон районидаги «Халқобод» колхозининг чорвадорлари семиз ва арзон гўшт етиштириш мақсадида 1966 йилнинг октябрь ойида брак қилинган 290 бош қорамол ва 193 бош чўчқани бўрдоқи қилиб боқишга киришган эди. Моллар ширали озуқа ва ем-хашаклар билан зоотехника қоидалари асосида парвариш қилинди. Натижада боқувга қўйилган моллар яхши семирди. Ҳар бир бош чўчқа икки ярим ой давомида ўрта ҳисобда 65 килограммдан ошди. Тирик вазни нормадаги 80 килограмм ўрнига 117 килограммга етказилиб давлатга топширилди. Ҳар бир чўчқа ҳисобидан 37 килограмм қўшимча гўшт етиштирилди. Бундан хўжалик 6193 сўм фойда кўрди.

Колхоз молларни бўрдоқига боқиш туфайли 1967 йилда гўшт тайёрлаш планини 2 январь кунийёқ областда биринчи бўлиб бажарди. Пландаги 700 центнер ўрнига 824 центнер семиз гўшт топширди.

— Чорвадорларимиз, — деди колхоз раиси ўртоқ Мурод Жўраев, — молларни бўрдоқи қилиб боқишда йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар. Биз бултур ҳаммаси бўлиб давлатга 570 центнер гўшт сотган эдик. Бу йил эса қарийб бир ярим баравар кўп гўшт топширдик. Бўрдоқига боқилган моллар кунига ўртача 0,8 килограммдан, чўчқалар салкам 1 килограммдан семирди. Кўпчилик моллар ўртадан юқори семизликда гўштга топширилди. Ҳар центнер гўштни 110 сўмга етиштириб, бундан катта манфаатдор бўлдик. Бўрдоқига гўшт етиштириш ҳисобидан 40 минг сўм соф фойда кўрдик.

Л. ЭРГАШЕВ.

ДАСТЛАБКИ СМЕНА

Ҳамма янги йил бағрида, меҳнат қучоғида. Тошкент-товар станциясида ишлаётган темир йўлчилар учун кеча билан кундузнинг, байрам билан оддий куннинг фарқи йўқдай. Темир йўлчилар пўлат излар устида тепловозларнинг бетўхтов ҳаракат қилиши — халқ хўжалиги юкларининг манзилларга ўз вақтида етказиб берилиши учун жон куйдирадиган касб эгалари. Бугун ҳам улар вахтада. Беш йилликнинг биринчи йили тугаб, 1967 йилга ўтар кечаси навбатчилик қилган сменалар юбилей йилига илк меҳнат совғалари тайёрладилар.

Янги йилнинг биринчи сменасида ишлаш Убайдулла Раҳимов бошлиқ комплекс поезд тузувчилар бригадаси коллективига насиб бўлди. Убайдулла Раҳимов бир неча ўн йилдан буён шу станцияда турли касбларда ишлаб келмоқда. Кейинги вақтларда эса поезд тузишдек мураккаб вазифани адо этиш унга ишониб топширилди. Ҳозирги кунларда поезд тузувчилар бригадасига муваффақият билан раҳбарлик қилаётир.

— Юбилей йилидаги биринчи сменада ишлаш бизнинг коллективимиз учун айниқса қувончли бўлди. — деб ҳикоя қилади ўртоқ Раҳимов. — Диспетчер Мирсолиҳ Юсупов билан ҳамкорликда бригадамиз аъзолари анча яхши кўрсаткичларга эришдилар. 200 вагондан юк тушириб олинди. Қарийб шунча вагонга юк ортиб жўнатилди. Мўлжаллаганимиздан битта ортиқ поезд тузиб узоқ манзилга кузатдик. Пландан ортиқча бир поездни қабул қилиб, ундаги юкларни тушириб олишга муваффақ бўлдик. Қисқаси, сменамизнинг дастлабки куни қувончли якунланди.

Ўтган йил юк ортиш топшириғини 20 кун олдин бажарган Тошкент-товар станциясининг коллективи юз минг сўмга яқин иқтисодий фойда кўрди. Улар беш йилликнинг иккинчи йили — Улуғ Октябрнинг шонли эллик йиллиги нишонланадиган йилда яна ҳам янги марраларни кўзлашмоқда. Олган мажбуриятларни шараф билан бажаришлари биринчи куннинг натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Станция темир йўлчилари биринчи ва иккинчи январь кунлари баракали меҳнат қилдилар.

Муддатидан илгари

Балиқчи районидаги Орджоникидзе номли колхознинг чорвадорлари юбилей йилида дастлабки меҳнат ғалабасига эришдилар. Чорвадорлар давлатга гўшт сотиш йиллик планини 2 январда бажарди. Бўрдоқига боқилган 125 бош новвослар тайёрлаш пунктига топширилди. Ҳар бир бош қорамол 280-300 килограмм вазнда юқори сортларда қабул қилинди. Бу ишда айниқса колхознинг Мингбой Мадаминов, Шермирза Абдуллаев, Абултўра Исроилов сингари молбоқарлари катта ғайрат кўрсатдилар.

Ленин номли, Куйбишев номли колхозлар ҳам бу соҳада яхши кўрсаткичга эришяптилар. Улар ҳозир 1967 йилнинг учинчи квартали ҳисобига гўшт топширмоқдалар.

Ж. МАДУМАРОВ.

СССР Олий Совети Президиумида

План топшириш, маблағ билан таъминлаш, учёт, халқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти соҳасидаги муваффақиятли ишлари учун ва етти йиллик план топшириқларини бажариш йўлида ресурсларни сафарбар қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 31 декабрда Фармон чиқариб, план, молия, банк, статистика органлари ва моддий-техника таъминоти идоралари ходимларидан 3465 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети чуқур қайғу билан маълум қиладики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг энг кекса аъзоси, атоқли жамоат ва сиёсий арбоб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Елена Дмитриевна **Стасова** 1966 йил 31 декабрда 94 ёшида вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ТЕМИРЧИНИНГ БАХТИ

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРНИ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ

«Ҳунар ўрган, ҳунар ўрганган кам бўлмайди. Бир ерда муқим ишла, қуш чўқиш билан меҳнат қилган обрў топмайди».

Носир ака яхши эслайди. Отаси раҳматлик шу гапни кўп такрорларди. Аввали тушуниб етмасди унинг мазмунига. Ўсди. Улғайиб ақли пешлангандa ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган падарининг гапи заминида оламча мазмун ётганига тушунди. Қоратошдаги бошланғич мактаб гувоҳномасини олгандан кейин Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводининг ҳунар ўргатадиган курсида ўқиди. Ишлашга Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси вагон ремонти заводини танлади.

Ўшанда 1932 йил эди. Трамвай Тошкентда ҳаккам-дуккам эди. Йигирма ўрик гуличи кўрган Носир темирчилик қила бошлади. Заводда қўл меҳнати устун кезлар. Кўкрагингни оловга тутиб темир қиздирасан. Вужудингдан тер қуйиб темир болғалайсан. Енгил эмас.

Аммо, у меҳнатдан қочмади. «Инсонмисан, меҳнат сендан қочсин» деб ўйлади. Ўша маҳалда ҳам трамвайнинг бурилишига зарур бўлган темир-тил, турли хил шестернялар, трамвай изи, больт, подкладка ишлаб чиқариш планларини ошириб бажарди.

Йиллар ўтди. Завод кенгайди, янги техника билан бойиди. Энди 50 килограммдан 700 килограмм оғирликкача бўлган автоматик болғалар бор. Энди илгариги Носир Носир ака бўлди. Оддий ишчиликдан темирчилик-пресс цехининг смена мастери даражасига кўтарилди. У бошлиқ 17 кишидан иборат комплекс бригада коммунистик меҳнат коллективи бўлди. Унинг сменаси иш нормасини доимо ошириб адо этяпти. Улар шу кунларда 1967 йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қиляптилар.

—Завод даргоҳига қадам қўйибманки, ҳали Носир аканинг ишга кечикиб қолганини, ишда бракка йўл қўйганини эслолмайман,—дейди цех бошлиғи А. Беляцкий.— Корхонада 34 йилдан буён жон куйдириб ишлайди. Меҳнат интизомига риоя қилишда каттаю-кичикка ўрнак.

У ҳар тонг барвақт уйғонади. Уйғонади-ю, шаҳар «тинчи»ни бузаётган трамвай овозига қулоқ тутади. Аллақандай устоз кўрмаган боланинг қўлига тушиб қолган най овозини эслатадиган трамвай овози ҳамма ёқдан эшитилади. Демак, трамвайлар, троллейбуслар эл хизматида. Бенуқсон ишлаяпти. Одамларни манзилдан-манзилга элтмоқда. Шу пайтда у ўз меҳнатидан ғурурланиб кетади. Руҳланиб ишга жўнайди. 34 йилдан бери унинг ҳар тонги шу хилда такрорланади.

Носир ака бу йиллар ичида озгина тер тўкдими. У шу йиллар ичида ўзининг қимматли вақтини аямай акаларга, оталарга хос меҳр билан тарбиялаб етиштирган шогирдларини кўрсангиз: Гриша Бенияминов, Ҳамид Жўраев, Василий Смагин, Женя Кабалин, Нурулла Усмонов, Абдураҳим Алимов... Уларнинг ҳаммасини ёзиб бир икки варакқа сиғдириш қийин. Ҳозир Носир аканинг қалб кўри, гул қўлидан баҳра олиб мустақил меҳнат қила бошлаганларни кўпгина бошқа корхоналарда ҳам, раҳбарлик ишларида ҳам учратиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси Носир аканинг номини эъзозлаб тилга оладилар.

Ҳа, эл эъзозлаган киши кам бўлмайди.

Яқинда газета саҳифаларидан, радио микрофонлари, телеграф ленталаридан ажойиб хабар тарқалди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан кекса, забардаст темирчи Носир Умрзоқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Мана, қаршимизда тўла, оқ сариқдан келган Носир ака ўтирибди. Чеҳрасидан ҳукуматимизнинг унга берган мукофотидан чексиз миннатдор эканлигини уқиб олиш қийин эмас.

—Давлатимизнинг олий фармонидан хурсандман. Бу юксак мукофотга нима билан ва қандай қилиб муносиб жавоб беришга ақлим шошади. Ҳокимиятимизнинг 50 йиллик тўйи яқинлашяпти. Улуғ Ленин бобомизнинг 100 йиллик юбилейлари арафасидамиз. Шу улуғ байрамларни меҳнатда яна ҳам катта зафарлар билан нишонлаймиз, — дейди Носир ака. Ҳар сменада нормадаги 200 ўрнига 300 тадан трамвай йўли остига ётқизиладиган подкладка тайёрлаймиз, редукторли ва якорли шестерня ишлаб чиқариш нормасини ой сайин 120 процентдан адо этамиз.

Зафар йўлдошингиз бўлсин, умрингиздан барака топинг, Носир ака!

С. МУҲИДДИНОВ,
Тошкент трамвай-троллейбус вагон ремонти заводи.

ДЕНГИЗ БОЙЛИГИ

Жанубий Орол балиқчилари янги йилга муносиб туҳфалар билан келдилар. Улар 127 минг 860 центнер ўрнига 131 минг центнердан кўпроқ балиқ овлаб топширдилар. Мўйноқликлар шу кунларда қалин қор, изғирин шамол бўлишига қарамасдан балиқ овлаяптилар. Юзлаб мотофелюга капитанлари, балиқчилар кунлик нормаларини 115-134 процентдан ошириб адо этяптилар.

Балиқ овлашда «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг азамат балиқчилари рекорд кўрсаткичларга эришмоқда. Улар бултур 15 минг 800 центнер ўрнига 18 минг 474 центнер балиқ овлаб йиллик планни ошириб адо этдилар. Тўртта кема, 15 та мотофелюга, 25 та қайиқда йил давомида балиқ овланди. Кема капитанларидан Д. Атаганов, Ў. Есемуродов бошлиқ коллективлар пландан ортиқ 200 центнердан балиқ овлаб топширдилар. Уларнинг топширган балиқлари юқори сортларга қабул қилинмоқда.

Б. Шодиев ва Қ. Жуманиёзовлар капитанлик қилаётган мотофелюга экипажи аъзолари балиқнинг турларини жуда яхши билишади. Уларнинг қаерда кўп эканлигини ҳам ҳаммадан олдин айтиб беришади. Ёш балиқчиларни оталиққа олиб, уларга балиқ овлашнинг илғор усулларини ўргатишади. Кўпчилик бригадалар шу кунларда юбилей йилининг учинчи ойи ҳисобига балиқ овламоқдалар.

Колхозлар овланган балиқларни консерва заводига топширадилар. Бу ерда балиқ консерваси тайёрланади. Завод коллективи она-Ватанимизга 16 миллион банкадан ортиқ балиқ консерваси етказиб бериб, 1966 йил планини муддатидан илгари адо этди. Ишлаб чиқарилган балиқ консервалари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларига пешма-пеш жўнатилиб турибди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: инженер Сайёра Мўминова. Янги йил арафасида «Узгоспроект» лойиҳалаш институтида «Урал-3» маркали электрон ҳисоблаш машинаси ўрнатилган эди. Сайёра кечадан бошлаб ана шу машинада муваффақият билан ишлай бошлади. Машинанинг ўрнатилиши бинокорлик конструкцияларининг инженерлик ҳисоб-китобларини автоматлаштириш ва бу ишларни бажаришни тезлаштириш имконини бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

ЮРАК

Ёрим, сенинг кўнглинг олгали,
Атрофимдан излайман қиёс.
Ҳайиқади гул тенг бўлгали,
Ҳароратда камлик қилар ёз,
Ой, қуёш-ку жудаям узоқ,
Сени дейман: жоним, юрагим.
Кўкрагимда ўзингсан чироқ,
Зим-зиёдир сенсиз кўкрагим.

ОДДИЙ ЖУМБОҚ

Кўнгил очгим келар қувончни куйлаб,
Тўлиб кетса дейман қуйимга осмон.
Аммо бошим қотар дунёни ўйлаб,
Оддий жумбоқларга бўламан ҳайрон:
Муқаннани бадном қилдилар нега?
Нега Улуғбекни сўйдилар, ахир?
Одамзод фикрини бўлдилар нега?
Нега умидларни этдилар сағир?
Эй, идрок, эътиқод, бефойдамидинг,
Сен қайда эдинг, эй покиза виждон?
Сен-чи, сен адолат, сен қайда эдинг,
Наҳот сен бўлмасанг оламга посбон?!
Жанна Дъарк ким учун кўрди шуълани,
Сирли товушларга эргашди нечун?
Уни тўполонда кимлар ушлади,
Гулханда ким ёқди? Нега? Ким учун?
Булар ўтаётиб бошқа манзилга
Бошпана сўраган мусофир эмас.
Булар солиб турар ҳаётни йўлга,
Оламга уфурар янги бир нафас.
Билсам: тилаб олган буларни дунё,
Ожиз кўзларини нурга тўлдирган.
Аммо тополмагач муносиб баҳо,
Замонларнинг ўзи бўғиб ўлдирган.

Маъруф ЖАЛИЛОВ.

ҚУТЛУҒ ЙИЛ

Нурга тўлиб-тошиб, кел қутлуғ йил, кел —
Сени кўркам, хурсанд кўрмоқ истар эл.
Қиш фаслида кумуш қоринг поёндоз...
Келишингдан очар гул юзин баҳор.
Файзли ёзда асал неъматларинг соз,
Кузга сайқал бериш, мўл-кўллигинг бор.
Нурга тўлиб-тошиб, кел қутлуғ йил, кел —
Сени шод этишга боғлаганмиз бел!

Тўлқин РАЖАБИЙ.

Ҳаваскорларнинг шеърларини ўқиб

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИ

Қўлимизда редакциямизга келган бир даста шеър. Уларнинг авторлари колхозчи ва агроном, боғбон ва чўпон, ўқувчи, студент ва ўқитувчи, қурувчи ва солдат... Хуллас, маълумот ва савияси, тажриба ва мушоҳидаси ҳар хил бўлган турли ёшдаги одамлар... Шунинг учун, табиийки, шеърларнинг тематикаси ҳам рангба-ранг. Бирини ўқиганда, фикрнинг яхлит ва теранлиги кишини ўйлантирса, бири қофияларининг жарангдорлиги, мусиқийлиги билан диққатни жалб этади.

Инсон тақдири азалдан нон, меҳнат, севги ва қўшиқ билан боғлиқ. Дунёда ҳамма нарса ўзгариб, янгиланиб туради. Аммо инсоннинг нон, меҳнат, севги ва қўшиққа бўлган муносабати азалийдир. Буни ҳаваскор шоирларнинг шеърлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўшлик ҳаваскор Қўлдош Бекмирзаевнинг шеърларини кўздан кечирар эканмиз, ёш шоир ижодий камолотга етиш йўлида тинмай изланаётгани, ихчам ва сермазмун мисралар яратишга муваффақ бўлаётганини ҳис этамиз. Лекин, таъкидлаб ўтиш керакки, ҳамма мисралари ҳам пухта ва пишиқ эмас. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър бошдан-охир гўзал ва жозибали бўлиши лозим. Ғиждувонлик Т. Тошева, тошкентлик А. Маннопов, А. Мирзапўлатов, наманганлик Ё. Аҳмаджонов, андижонлик Э. Тошпўлатов, янгиқўрғонлик Р. Исҳоқов, денгизчи У. Тоштемиров, сирдарёлик М. Қайнаров, қорақалпоғистонлик З. Дўсимов, самарқандлик А. Солиев, янгиерлик Ш. Норқулова, қўқонлик Қ. Дўсматов каби ҳаваскорларнинг шеърларида ҳам ана шундай камчиликлар учрайди.

Бир гуруҳ ҳаваскорлар фикрни деталлар орқали ифодалашга интилишяпти. Шеър бадиий кашфиёт, янгиликка саёҳат эканлигини яхши ҳис этган муаллифларнинг баъзи шеърларида бу яққол кўзга ташланиб турибди. Андижонлик ҳаваскор Рустам Долимовнинг «Асрим ҳаяжонли»... деб бошланадиган шеърида ҳис-ҳаяжон, фикр, мақсад бор:

Асрим, ҳаяжонли, асрим безовта,
Чунки ҳанузгача яшар кин, бўҳтон.
Қачон бир-бирига кек сақламасдан
Дадил ишонаркан инсонга инсон.

Бунда гап якка шахслар ўртасидаги эмас, мамлакатлар, халқлар ўртасидаги ишонч ҳақида боради, ёш автор ўзини ҳаяжонлантирган фикрини ўқувчига етказа олишга ҳаракат қилган. Лекин бу мисралар ҳам айрим қусурлардан холи эмас. Чунончи, шеър умумийликдан ташқари, фикр ҳам янги эмас. Оригиналлик — бош масала эканини доим ёдда сақлаш лозим.

Тошкент Давлат университети студентлари Т. Матмусаев, Қ. Малинов, Р. Усмонова, хоразмлик Я. Худойберганов, янгийўллик Қ. Собиров, шўрчилик Х. Эшонқулов, хоразмлик Қ. Хушназаров, тошкентлик Т. Халилов, фарғоналик У. Шодиев, ғузорлик А. Раҳимов, гулистонлик С. Ирсолиева каби ҳаваскорларнинг шеърлари эса конкрет эмас.

Шеърдаги ҳар бир мисра бирбирини тўлдириб, бири-бирига боғланиб ягона мақсадни—қаламкашнинг ғоясини ифодалаши керак. Бунга албатта, меҳнат, тинмай изланиш билангина эришиш мумкин. Ҳа, шеър — тўлақонли асар яратишга енгил-елпи қарамаслик керак. Баъзи ҳаваскорлар шеър меҳнатини қадрламаётганлиги ёзган «шеър»ларидан кўриниб турибди.

Меҳнат севар экан ҳури диёрлар,
Сизга ҳамроҳ бўлсин севикли ёрлар.
Иш кўрсатинг олам ичра баҳорлар,
Ҳури диёрлари кўринди бизга.

Бу тўртлик жангчи Н. Сонбовнинг «Кўринди» сарлавҳали шеъридан олинди. Қофия, вазн бор, аммо мантиқ йўқ. Мисралар пойма-пой.

Баъзи ҳаваскорлар эса, ҳатто сўзларнинг қандай ёзилишини ҳам дурустроқ билишмайди. Тилни пухта билмай, унинг бой имкониятларидан фойдаланаолмай туриб шеър ёзиб бўлармиди? Андижонлик ҳаваскор Ж. Қодиров ўзбек тили грамматикасидан бехабар ҳолда «шеър» ёзган. Мана, унинг «Табассум» сарлавҳали «шеъри»дан бир парча:

Қайрилиб жилмайиб қўйдинг,
Лабинда табасум брила.
Юрагимдан тегди зоҳда,
Муҳабат. севги бирла.

Бу сатрларнинг шеърга қандай алоқаси бор? Шеърият техникасидан, поэзия «сир»ларидан бехабар ёзилган бундай «шеър»лар одамнинг энсасини қотиради, холос. М. Раҳматов (Тошкент), И. Зарипов, У. Қорақўзиев, У. Аҳмедов, О. Азаматов (ҳарбий хизматчилар), О. Кенжаев, О. Эгамбердиев, Т. Умрзоқов (Андижон), Қ. Қурбонов (Хоразм), И. Охунов (Учқўрғон), Н. Валиев (Марғилон), А. Асқаров (Урганч), Ж. Бойбўлатов (Тошкент) ва бошқаларнинг шеърларида ҳам худди юқоридагидек камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Совет ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан чуқур танишиш, устозлардан ўрганиш, шеър устида қунт билан ишлаш—ҳар бир ҳаваскорнинг доимий машғулоти бўлиши керак.

Ҳаётимиз ғоят рангба-ранг, у қаламга олиб эҳтирос билан тасвирлашга лойиқ ажойиб воқеаларга ғоят бой. Ҳа, совет кишилари ўз ижодий меҳнатлари билан мўъжизалар яратаётирлар. Бир қисм шеърларда замонамиз қаҳрамонларининг ана шундай яратувчилик меҳнати илиқ сатрларда мадҳ этилганини кўрамиз. Наманганлик Р. Халилов, М. Мирзааҳмедов, А. Маматхонов, тожикистонлик А. Темиров, У. Жамолов, А. Ашуров, бухоролик О. Халил, И. Жумаев, Я. Ваҳобов, қорақалпоғистонлик О. Оғабердиев, Қ. Қурбонбоев, солдатлар Н. Мадаминов, Ш. Убайдуллаев, булунғурлик С. Зиёев, фарғоналик М. Хушнуд, тошкентлик С. Илёсов, қаршилик И. Ҳикматов, ғаллаороллик Х. Нишонов ва бошқа ҳаваскорларнинг шеърлари бунга мисол бўлаолади. Бу ҳаваскорлар шеърда фикрнинг равшан ва тугал бўлишига, ҳаётнинг ҳали қаламга олинмаган қирраларини топишга интилишяпти.

Буюк Горький айтганидек, истеъдод фақат меҳнат билангина яхши маҳсул бериши мумкин. Демак, меҳнат қилиш, тинмай изланиш билангина тўлақонли асарлар яратиш мумкин. Ўз олдига буюк мақсад қўйиб қалам тебратаётган ҳар бир ҳаваскор меҳнат билангина камолотга етиш мумкинлигини асло унутмаслиги керак.

ЯЙЛОВ СОҲИБЛАРИ

◆ ЧОРВАДОРЛАР ҲАЁТИ ◆

Нурота воҳаси... Бу воҳа тоғлар этагига, Қизилқум барханларига туташиб кетган. Унинг ўзига хос об-ҳавоси бор. Қиш қаттиқ келиб, довуллар бўлиб туради. Ёзда эса ҳаво жуда исиб кетади. Лекин буларнинг ҳаммаси чўпонлар учун қўрқинчли эмас. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам чорва туёғини авайлаб асрашади, молларни бетиним парвариш қилишади. Чўпонлар бу ерларнинг шароитига кўникиб қолишган. Улар даставвал жамоат мулки ҳақида ўйлашга одатланиб қолган яйлов соҳибларидир.

Нурота бойлиги асосан қоракўл қўйлардан, улардан олинаётган ранг-баранг қоракўл терилардан иборатдир. Биз яқинда ана шу бойликни яратувчи кишилар — чўпонлар ҳузурида бўлдик. Айниқса 1- «Қўшработ» совхози чўпонларининг меҳнати кишини мафтун этади. Совхоз йирик хўжаликлардан бири. Унда 2600 дан кўпроқ оила истиқомат қилади. Азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган бу хўжалик чўпонлари 70 минг бошдан зиёдроқ қоракўл қўйларга қарашади.

Совхозда чўпонлар меҳнати ҳурмат ва эҳтиром билан қуршаб олинган. Бундайлар орасида сиз кўпинча ёш йигит ва қизларни учратасиз. Мамадиёр Шосимов, Тўрабой Ғафуров, Абдулла Пиримов, Эшмамат Тўхтаев, Қосим Тўхтамишев ва бошқалар ана шундай қалби олов азаматлардир. Зулфия, Истамхон, Рахияхонларчи! Уларнинг ҳамма-ҳаммаси кенг яйловларнинг ажойиб хўжайинлари бўлиб қолишди. Уларни сиз ҳамиша отарлар кезиб юрган жойларда топасиз.

Шулардан бири Марди Тўймуродовдир. У 14 ёшидан буён қўй боқади. Афсуски, ўшандан буён унинг давлатга қанча қоракўл тери ва жун топширганлиги, қанча-дан-қанча қўйларни семиртириб берганлиги ҳақида қўлимизда маълумот йўқ. Агар бу ҳақда маълумотлар бўлганда, ажойиб рақамлар поэзиясининг гувоҳи бўлардингиз. Марди ҳар йили юз бош совлиқ ҳисобига 150 тадан қўзи топшириб келяпти. У давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларни барча турлари бўйича ошириб адо этяпти.

Мардининг отаси Тўймурод бобо 30 йилдан буён яйлов кезади, қўй боқади. У чўпонлик санъатини ўз ўғлига ўргатган ажойиб отахондир. Отадан ибрат олган ўғил чорвачиликда янгиликка интилди, қоракўл қўйларни сунъий урчитиш йўлларини ўрганиб олди. СЖК препаратидан ҳар йили оқилона фойдаланди. Ориқ қўйларни алоҳида боқди. Бу ишлар яхши самаралар беряпти. Марди Тўймуродовнинг қарамоғидаги 600 бош совлиқ ҳар йили қишдан соғлом ва семиз олиб чиқиляпти.

Чўпоннинг кўп йиллик машаққатли меҳнати муносиб тақдирланиб, Марди Ленин ордени билан мукофотланди. Бу юксак мукофот яйлов соҳибини янги ютуқларга илҳомлантириб юборди. Район Советининг депутати коммунист Марди Тўймуродов ўз отаридаги қўйларни яхши боқиш билан бирга дўстларига ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу ҳақда совхоз директори Шамси Усмонов мамнунлик билан шундай дейди:

— Марди ўз касбини севадиган чўпон. Унинг ишидан ҳамма мамнун.

Шундай! 1- «Қўшработ» совхозида жамоат мулкини кўз қорачиғидек асраётган, этига эт, жунига жун қўшаётган бундай чўпонлар жуда кўп. Чунончи, Мамадиёр Шосимовни олайлик. У беш йилликнинг дастлабки босқичида ҳар юз совлиқдан 196 тадан соғлом қўзи олди ва ҳар бош қўй ҳисобига 4,8 килограммдан жун топширди. Туғилган қўзиларнинг ҳаммасини сақлаб қолишга эришди. Мамадиёр юбилей йилида ҳар юз совлиқдан 200 тадан қўзи олишга аҳд қилган.

Биз ундан ўз тажрибаларини гапириб беришни сўрадик.

— Бизнинг ишимизда бирор сир йўқ. Бошқалар қандай ишласа мен ҳам шундай ишлайман. Тўғри, кейинги йилларда чорвачиликда анча тажриба орттирдим. Қўйларни боқиш учун серўт яйловларни танлайман. зоотехника талабларига риоя қиламан. Айниқса урчитиш ва қўзилатиш даврларида эҳтиёткорлик керак, — дейди у.

Мамадиёр Шосимов ўзининг бой тажрибасини кўпчилик билан баҳам кўради. Совхознинг ҳар бир фермасида, ҳар бир отарида унинг шогирдлари бор. Шогирдлар устозга тенглашиш учун ғайрат қилишяпти.

Чорвачилик совхоз коллективига жуда катта даромад, шон-шуҳрат келтирмоқда. Буни қуйидаги фактларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Совхоз бўйича ҳар йили ҳар бош қўйдан ўртача 3,2 килограммдан жун қирқиб олиняпти. Кейинги йилларда ҳар юз бош совлиқ ҳисобига ўртача 116-118 тадан қўзи топширилияпти. 1965 йили совхоз план бўйича давлатга 18 минг дона қоракўл тери топшириши керак эди. Бу кўрсаткич 25 минг донага етказилди. Беш йилликнинг дастлабки босқичида эса пландаги 22 минг дона ўрнига 26 минг 400 дона қоракўл тери сотилди. Агар 1964 йили чорвачилик маҳсулотларидан олинган соф фойда 7 минг сўмни ташкил этган бўлса, бултур 200 минг сўмдан ошиб кетди. Ҳар бир совлиқдан ўрта ҳисобда 10 сўмга яқин даромад олинди.

Олинаётган фойда, биринчидан, хўжаликнинг молиявий аҳволини мустаҳкамласа, чўпонларга иш ҳақининг вақтида тўлаб турилишини таъминласа, иккинчидан, оборот маблағларни кўпайтириб боради, бу эса қурилишга капитал маблағлар ажратилишига катта имконият туғдиради.

Давлатга топширилаётган қоракўл тери ва жун сифатининг анча яхшиланганлиги қўшимча даромад олишнинг манбаъларидан бири бўлиб қолди. Бултур топширилган қоракўл териларнинг 70 процентидан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди. Айни вақтда кўпгина фермалар қоракўл териларнинг қарийб 80 процентини шу сортга топшириб, неча минг сўмлаб қўшимча фойда кўрдилар.

Хўжаликда ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилган. Ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилаётганлиги гўшт, жун, қоракўл тери таннархини анча арзонлаштирди.

Кейинги йилларда яйловларда пичанни кўпайтириш соҳасида катта ишлар қилинди. Бир неча юз гектар яйлов ўзлаштирилди ва озуқабоп экинлар экилди. Буларнинг ҳаммасидан кўриниб турибдики, хўжалик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Лекин бу ҳали чегара эмас. Совхоз чорвадорлари юбилей йилида ҳар юз бош совлиқдан ўртача 118 тадан қўзи топширишга ва ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олишга ваъда беришган. Бу ваъданинг бажарилишига ҳам ҳеч шубҳа йўқ.

Чорвадорлар бу йилги қишловга намунали тайёргарлик кўришди. 6 минг тоннадан зиёдроқ хашак жамғарилиб, қишлов жойларида ғарамлаб қўйилди. Ҳар бир ғарам ёнида хашак майдаловчи агрегатлар бор. Керак бўлганда бу агрегатлар дағал хашакни майин қилиб беради. Қўралар, қошарлар, қудуқлар тўла ремонтдан чиқарилган. Қишлов муваффақиятли ўтмоқда.

Совхознинг асосий бойлиги — беҳисоб ноз-неъматлар яратаётган одамлардир. Уларга ғамхўрлик қилиш совхоз дирекцияси ва партия ташкилотининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Бу ерда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 120-130 сўмни ташкил этмоқда. Ҳар бир чўпон оиласининг бир ойлик маоши 350-400 сўмга тўғри келяпти. Масалан, илғор чўпонлардан Мамадиёр Шосимов оиласи ўтган йили 7 минг сўмдан кўпроқ иш ҳақи олди ва пландан ташқари топширган маҳсулоти учун 57 та қўзини мукофотга олди. Биргина Шосимовнинг ўзи совхозга пландан ташқари 6 минг сўмлик фойда келтирди. Шу биргина мисолдан чўпонлар қандай ишлаб, қандай яшаётганликларини пайқаб олиш қийин бўлмаса керак.

Совхозда 3 та ўрта, 11 та саккиз йиллик ва 6 та бошланғич мактаб бор. Уларда чорвадорларнинг 4 мингга яқин ўғил-қизлари таълим оляпти. Иккита касалхона, поликлиника, 8 та кутубхона, 3 та клуб, бир қанча ошхона ва магазинлар чорвадорлар хизматида. Ҳар бир оилада радио телевизор бор. Истаган вақтингизда телефон орқали фермалар билан, мутахассислар билан гаплаша оласиз. Совхоздан район марказигача яхши йўл қуриляпти.

Совхоз посёлкасини шаҳардан ажратиш қийин. Кўпгина хушбичим уйлар, посёлканинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Совхоз ишлаб чиқаришида 20 дан ортиқ олий маълумотли агроном, зоотехник, ветеринария врачи ва инженерлар ишлаб турибди.

Совхоз партия ташкилоти маҳсулот етиштиришнинг самарадорлигини оширишга бевосита раҳбарлик қиляпти. Партия ташкилоти ҳисобида 176 та коммунист бор. Шулардан 25 киши чўпонлик қиляпти 33 киши механизатор, 24 киши агроном, зоотехник, ветеринария врачи бўлиб ишламоқда. Совхоз партия комитетининг секретари Марди Сариев тажрибали киши. У партия ҳаётини, чорвачиликни жуда яхши билади. Одамларга сезгир, меҳрибон.

Хўжаликнинг ана шундай ютуқларни қўлга киритишида совхоз директори Шамси Усмоновнинг алоҳида хизматлари бор. У одамлар орасида катта ҳурмат ва обрў қозонган. Ўртоқ Усмоновни совхоздагина эмас, бутун Нурота районида танимайдиганлар йўқ. У ўқитувчилик қилганида, мактабда директор бўлиб ишлаганда ҳам кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Шундан кейин 1- «Қўшработ» совхози партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаган тиниб-тинчимас Шамси Усмонов тез орада бу ерда ҳам ҳурмат қозонди. Уни совхоз директорлигига кўтаришди.

Ўшандан буён икки йил вақт ўтди. Лекин шу қисқа давр ичида хўжалик иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Кўпгина маданий-маиший қурилишлар бўлди. Эндиликда бу совхоз республикамиздаги бақувват, бадавлат хўжаликлардан бири бўлиб қолди.

Ҳа, одамларнинг қўли билан, чорвадорларнинг ақл-идроки, баракали меҳнати билан совхоз ана шундай илғор хўжалик сифатида бутун республикага танилди.

А. БУГЛАНОВ.

КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Келажагимиз эгалари — ўқувчиларнинг қишки каникули бошланди. Ёшларнинг кўнгилли дам олишлари, каникулни хушчақчақ ўтказишлари, янги йилда янги куч, янги ғайрат билан ўқишга қайтишлари учун республикамизнинг қатор ташкилотлари катта тайёргарлик кўрдилар. «Совет Ўзбекистони» мухбири бу ҳақда гапириб беришни сўраб қуйидаги ўртоқларга мурожаат қилди.

Д. АБДУРАЗЗОҚОВА — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари:

—Қишки каникулни намунали ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар кўриб қўйилди. Маълумки, бу каникул ҳар йили Янги йил байрамига уланиб келади. Шу сабабли шаҳар ижроия комитетининг қарори билан шаҳардаги гавжум майдонларнинг ҳаммасига безатилган арчалар ўрнатилди. Пойтахтимиздаги Свердлов номли театрда эса ўн кун давомида «Арча томошалари» уюштирилади. Каникул даврида тошкентлик пионер ва ўқувчилар ташкил этган кўчма арча Сергели қурувчилари ҳузурига боради. У ерда ҳаваскорлар катта концерт қўйиб берадилар. Шунингдек, Чилонзор райони мактабларининг ўқувчилари Украина, Ленинград, Москвадан келган қурувчилар ҳузурида бўладилар. Чирчиқ, Самарқанд шаҳарларига экскурсиялар уюштирилади. Пионерларимиз яна ҳарбий қисмларда, СССР спорт мастерлари ҳузурида, «Ўзбекфильм» киностудиясида меҳмон бўладилар. Тошкент бўйлаб тарихий жойларга юришлар ўтказилади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Хоразмдан 400 болалик поезд Москвага қараб йўл олди. Тошкентлик 430 пионер ва ўқувчи ҳам Россия бўйлаб саёҳатга чиқади. Ўқувчиларимиз каникул даврида жонажон пойтахтимиз Москва билан танишадилар. Хуллас, пионер ва ўқувчиларнинг бу йилги қишки каникуллари ҳам мароқли ўтади.

— Ўқувчиларнинг қишки каникул кунларини кўнгилли ўтказиш мақсадида касаба союз ташкилотлари ҳам кўпгина ишлар қилди. Республикамизнинг барча маданият уйларига янги йил арчалари ўрнатилди. Область марказларида, Қўқон ва Марғилонда шаҳар арча байрамлари ўтказилади. Тошкентлик болалар учун тўқимачилик комбинати, 1- пойафзал фабрикасининг маданият саройларида, М. Горький, Муқимий номли театрда ва бошқа жойларда арча томошалари уюштирилади. Бу байрамларда 600 мингдан ортиқ ўқувчи қатнашиши мўлжалланган.

Каникул кунларида барча клубларда, маданият саройларида болаларга бағишланган кино-фильмлар фестивали ўтказилади, шоир, ёзувчилар билан, фан, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказиш планлаштирилган. Касаба союз кутубхоналарида эса

С. ҚОСИМХЎЖАЕВ, — Ўзбекистон касаба союзлари Совети маданий-оммавий ишлар бўлимининг мудири:

ўқилган айрим китоблар ҳақида баҳслар, адабий викториналар ўтказилади. Сарой ва маданият уйларининг болалар сектори қизиқарли экскурсиялар, походлар ўтказишни планлаштирганлар.

Спорт ишқибозлари учун Чимёнда мусобақа ўтказилади. 30 декабрдан бошлаб «Октябрнинг 10 йиллиги» дам олиш уйида Тошкент область Совети касаба союзи ташаббуси билан пионерларнинг қишки лагерлари очилди. Бу ерда 600 дан ортиқ ўқувчи дам олади. Ўқувчилар каникул кунларида чирчиқлик пионерларнинг меҳмони бўлишади. У ердаги корхоналарга экскурсия ўтказишади.

Республика туристик совети ўқувчилар учун алоҳида иккита поезд ташкил этди. Куни кеча «Ёш хоразмликлар» поезди йўлга чиқди. Улар Урганч — Москва — Рига — Урганч маршрути билан юришади. Биринчи январдан «Ёш ўзбекистонликлар» поезди йўлга чиқди. У Тошкент — Куйбишев — Москва — Ульяновск Тошкент маршрути бўйича юради.

Икки группа ўқувчилар эса Севастополь ва Одесса каби қаҳрамон шаҳарларга экскурсияга жўнаб кетишди.

Касаба союзларнинг Тошкент экскурсия базаси ўқувчилар учун 6 автобус ажратди. Улар Тошкент ва республиканинг бошқа областларига саёҳат қилишади. Болалар шаҳарнинг ўтмиши, ҳозири билан яқиндан танишишади. Касаба союз ташкилотлари ўқувчиларнинг қишки каникули кўнгилли ўтиши учун алоҳида ғамхўрлик қилмоқда.

ПЕШҚАДАМ

Нор — бизнинг сут-товар фермамизда ишлайди, — деди Ризо ака Муҳсинов. — У, пешқадам соғувчиларимиздан.

Ҳа, Нор Ғуломова Бухоро районидаги «Маданият» колхози 2-сут-товар фермасида сигир соғувчи. Бу моҳир соғувчи 14 бош сигирни А. Чудная тажрибалари асосида боқиб, уларнинг ҳар бирида 3430 литрдан ошириб сут соғиб олди. Натижада унинг жами соғиб олган сути 48.2 тоннадан ошди. У бу муваффақиятга сигирларни рацион асосида витаминли озуқалар билан тўйдириб боқиши, агрозоотехника қоидалари асосида парвариш қилиши туфайли эришмоқда.

— Кейинги кунларда,—дейди Нор Ғуломова, — кун бирмунча совиди. Бу эса сигирларга кўпроқ озуқа беришни, иссиқ жойда асрашни талаб этади.

Нор Ғуломованинг ҳалол меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланган. Унинг кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени безаб турибди.

Норнинг Мунаввар Муҳсинова, Раҳима Алиева сингари дугоналари ҳам сигирлардан сут соғишда зўр маҳорат кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўз боқимларидаги ҳар бош сигирдан 2300-2400 литрдан сут соғиб олиб, янги йилни муносиб кутиб олдилар.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ.

ЭСЛАМАЙ БЎЛАДИМИ

ЛАВҲА

Қўшнимиз янги йилга бизни ҳам таклиф этди. Давра қуриб ўтирибмиз. Мудом соатга тикиламиз. Янги йилнинг киришига ҳали анча вақт бор. Ўтиб кетаётган йил шаънига жуда кўп илиқ ва самимий гаплар айтилди. Энди янгисига янги тилаклар истаб бетоқат кутяпмиз. Шунда қўшним фронт воқеасидан гапириб кетди. Ҳамма унинг оғзига тикилиб қолди. Негадир мен ўз бошимдан кечирганларимни эсладим, бундан йигирма бир йил муқаддам рўй берган бир ҳодиса шундоққина кўз ўнгимда гавдаланди:

Янги йил арафаси эди. Кун бўйи гупиллатиб лайлак қор ёғди. Ҳамма ёқ оқариб, теп-текис бўлди қолди. Баъзи жойларда қор тизза бўйи келади. Шундай дақиқаларда кун бўйи ов қилсанг, ёки ҳаммомга тушиб кўк чойни ичиб роса дам олсанг. Янги йил дастурхони атрофида ёр-дўстлар билан суҳбат қуриш, эски йил билан хайрлашиб, янгисига пешвоз чиқиш нақадар завқли!

Шундайку-я, лекин биз бугун кечқурун бошқа «ов»га чиқамиз. Биз мудофаада турган қишлоқдан тўрт чақиримча нарида ов қилиб, «тил» олиб келмоқчимиз, немисларнинг янги йил режасини билиб олмоқчимиз. Бу вазифа махсус разведка взводига топширилган. Шу взвод азаматлари қаторида каминалари ҳам бор.

Саккиз разведкачи, икки сапёр йўлга тушдик. Олдинда бораётган сапёрлар ҳар бир қарич ерга кўз тикиб, қулоқ тутишмоқда. Қор уюмлари остидаги миналарнинг механизми даққиюнусдан қолган соатдек бесўнақай чиқилларди. Тагин бир неча дақиқадан сўнг ери кўк ларзага келади, сапёрларимиз қўли билан бир-бирига қалаштириб боғлаб қўйилган бир неча жуфт мина юраги ёрилиб парчаланиб кетади, немис разведкачилари учун кутилмаган ҳодиса рўй беради. Шундай бўлди ҳам. Тун сукунатини миналарнинг даҳшатли портлаши бузди, оппоқ қор қопқора тупроққа қоришиб қолди, бутун майдон гумбирлаб кетди. Лейтенант Виссарионов олдинга югурди. Мен ҳам орқасидан чопдим. У овозининг борича немис тилида бақириб юборди. Бояги қорайишиб кўринган немислар таппа тушиб ётиб қолганича қимир этмасди. Товуш чиқармасдан гитлерчи разведкачиларга ташландик.

— Хенде хох!!

Немислар ҳанг-манг бўлиб, қичқиргани нафаси ҳам чиқмай қолди. Қимирласанг отиб ташлаймиз, деди Виссарионов немисчалаб. Бизнинг мудофаамизга «тил» учун ифлос қадамини босган фрицлар қўл кўтариб таслим бўлишди.

...Ертўла ўртасидаги сарвқомат арча ўйинчоқлар билан безатилмаган бўлса-да, кўзга жуда иссиқ кўринарди. Унинг кўм-кўк ниначалари оппоқ пахта парчаларини кўтариб, бизга таъзим қилаётгандек туюларди .

Арчани кўриб вақт эсимга тушди. Соатимга қарадим. Шу топда полковник билан унинг сиёсий қисм бўйича ўринбосари кириб келишди. Улар стол тўрига ўтганларида соатларнинг ҳар иккала стрелкаси ҳам нақ ўн иккининг устида эди. Бир-биримизга қараб олдик. Полк командири ўрнидан турди:

— Қани старшина, қадаҳларни тўлдир!

— Янги йилингиз билан табриклайман, қуролдош дўстлар! — хитоб қилди полковник. — Бу йил ғалаба йили бўлади. Қани, шундай хайрли йил учун, янги йил арафасидаги «тил-лар»ни келтирган разведкачиларнинг соғлиги учун кўтардик!

Стаканлар чиқиллади. Шу пайт Кремль курантлари ҳам бизни шарафлаб бонг ургандай бўлди...

Самад ҚОДИРОВ.

„ЛУНА-13" — КОСМОС ЭЛЧИСИ

СОВЕТ ФАНИНИНГ *янги муваффақияти*

1966 йил 24 декабрь Москва вақти билан соат 21 дан 01 минут ўтганда «Луна-13» совет автомат станцияси Ой юзасига юмшоқ қўнди. Бу—шу йил Ойга юмшоқ қўндирилган иккинчи совет станциясидир: маълумки, «Луна-9» совет станцияси биринчи марта ойга юмшоқ қўндирилган эди.

Ана шу икки станция парвози оралиғида Ойнинг учта совет сунъий йўлдоши — «Луна-10», «Луна-11» ва «Луна-12» автомат станциялари илмий тадқиқотлар комплексини ўтказди ва улардан бири, программага мувофиқ, 100-340 километр баландликдан Ой сатҳини суратга олиб, фотосуратлар сериясини юборди.

Ойнинг сунъий йўлдошлари ўтказган илмий тадқиқотлар Ойнинг гравитация майдони, ички тузилиши, Ой юзаси қандай жинслардан таркиб топганлиги, Ой атрофи фазосидаги радиация ва метеоритлар муҳитининг хусусиятларини аниқлаш учун зарур маълумотлар олиш имконини берди, Ой сатҳининг турли кўламдаги фотосуратларини юборди. Бироқ, Ойнинг йўлдошлари Ой бетини қоплаб ётган жинсларнинг кўпгина муҳим физик ва микроструктура хусусиятларини бевосита тадқиқ қилиш имконини бермайди.

Бу вазифани ҳал этмоқ учун Ой юзасига приборлар, илмий аппаратлар юбориш лозим.

Ой заминининг механик ва физиқ хусусиятларини бевосита тадқиқ қилиш проблемаси кўп йиллар мобайнида астрономлар ва астрофизиклар эътиборини ўзига тортиб келди. Ой юзаси миллиард-миллиард йиллар мобайнида ҳавосиз шароитда, космик нурлар, метеоритлар, қуёшдан келувчи рентген ва ультра бинафша нурлари таъсирида, Ой тунида 100-150 градус совуқдан тортиб, Ой кундузида 100-150 градус иссиққача бўлган ҳароратнинг кескин ўзгариши шароитида бўлиб келди. Ер нуқтаи назаридан бу қадар одатдан ташқари шароитда бўлиб келган моддаларнинг физик ва механик хусусиятлари илгари фанга маълум эмас эди. Бундан бир неча йил муқаддам турли тадқиқотчилар Ойдаги моддаларнинг эҳтимол тутилган типлари тўғрисида жуда қарама-қарши фикрларни айтишар эди: баъзи бировлар Ой бети лава жинслари билан қопланган деса, бошқалар шлаксимон жинслар билан қопланган дерди, баъзи бировлар қалин чанг ёки кул билан қопланган деса, бошқалар жимжимадор минерал структуралар — дендрит ва бошқа турдаги жинслар билан қопланган, деб айтарди.

Ой сатҳининг табиатини кўрсатувчи бевосита маълумотлар олиш фан учун жуда қизиқарлидир, чунки Ердаги лабораторияларда Ой сатҳининг табиати хусусиятларини белгиловчи кўп асрлик мураккаб процессларни такрорлаб бўлмайди.

Ана шу тадқиқотлар билан бир қаторда илгари бошланган бошқа илмий кузатишларни ҳам давом эттириш лозим эди.

Ой кўпгина янги қимматли маълумотлар берди. «Луна-13» автомат станцияси ёрдамида тадқиқот ўтказиш программасига ана шу вазифаларни ўрганишни давом эттириш киритилган эди.

* * *

«Луна-13» автомат станцияси ўз конструкциясига кўра, ўз ўтмишдоши — «Луна-9» станциясидан бирмунча фарқ қилар эди. Ой юзасига юмшоқ қўндирилган биринчи станция билан ишлаш тажрибаси «Луна-13» конструкциясини такомиллаштириш имконини берди, бир қанча илмий проблемаларни ҳал этиш лозимлиги эса, станцияни янги илмий аппаратлар билан таъминлаш вазифасини ўртага қўйди.

«Луна-13» станцияси герметик корпусининг ичига қабул қилувчи — узатувчи радио аппаратлар, электрон программ — вақт қурилмалари, химиявий батареялар, автоматика приборлари, илмий ва телеметрик аппаратлар, шунингдек ҳароратни тартибга солувчи система жойланган рама ўрнатилган.

«Луна-13» станцияси корпусининг ташқи томонига 4 та япроқсимон ва 4 та штирли антенна, телевизион механизмлар ва приборларни станциядан чиқариб қўювчи иккита механизм монтаж қилинган. Автомат Ой станциясини иш ҳолатига ўтказгунга қадар япроқсимон ва штирли антенналар, шунингдек приборларни чиқариб қўювчи механизмлар букланган ҳолатда турар ва махсус қулф уларни шу ҳолатда сақлар эди. Станция ичидаги программ — вақт қурилмасидан берилган командага биноан автомат Ой станцияси ишчи ҳолатга ўтказилди; шу вақт қулф очилиб, антенналар ва приборларни чиқариб қўювчи механизмлар очиб юборилди. Приборларни чиқариб қўювчи механизмлардан бирининг учига механик штамп — грунтомер, иккинчисининг учига радиация зичлигини ўлчовчи плотномер ўрнатилган. Приборларни чиқариб қўювчи механизмлар грунтомер билан плотномерни Ой сатҳига автомат Ой станциясидан 1,5 метр нарига ўрнатиш имконини берди.



Расм 1. «Луна-13» автоматик станцияси. 1. Япроқсимон антенналар. 2. Найза антенналар. 3. Приборларни чиқариш механизмлари. 4. Механик суратда грунтни ўлчовчи асбоб. 5. Радиация ёрдамида қалинликни ўлчовчи асбоб. 6. Телевизион камера.

«Луна-13» станциясининг телевизион қурилмаси ўз конструкциясига кўра, механик телевидение ёки фототелеграфия приборларига яқин турувчи оптик — механик тасвир берувчи қурилмадир. Шуни айтиб ўтиш керакки, оптик—механик система автомат станцияси приборлари олдига қўйиладиган вазн, ҳажм, энергия истеъмоли ва пухта ишлаш сингари қаттиқ талабларга жавоб беради.

Телевизион қурилма камерасининг ўз ўқи атрофида тўла айланиб тасвир бериш вақти — 100 минутга яқин бўлиб, равшан акс эттирилган майдоннинг узоқлиги 1,5 метрдан тортиб исталганча бўлиши 1,5 метр масофадаги 1,5-2 миллиметр ҳажмли деталларни яхши кўриш имконини берди.

Телевизион аппаратларда Ой юзасига қанча шуъла тушишига қараб сигнални кучайтириш коэффициентини кўрсатувчи автомат қурилма бор. Телевизион қурилмасининг ўқи етарли равишда текис бўлган горизонталь заминда ўша Ернинг вертикалига нисбатан тахминан 16 градус оғдирилган эди. Бу эса, камерага яқин жойдаги микрорельефнинг ҳам, шунингдек анча узоқ жойлардаги микрорельефнинг ҳам, жумладан уфқ чизиғининг ҳам тасвирини юбориш учун қулай шароит вужудга келтирди.

Расм 5. Радиация ёрдамида қалинликни ўлчовчи асбоб.

ТАСС фотохроникаси.

«Луна-13» станциясида зарур ҳарорат режимларини таъминламоқ учун махсус ташқи термоизоляция билан бирга ҳароратни тартибга солувчи актив типдаги системадан фойдаланилади. Ҳароратни тартибга солувчи актив система станция Ойга қўндирилган ҳамоно ишга туширилди. Автомат Ой станцияси ичидаги газ босими таъсирида юмшоқ бакдаги сув буғлантирилувчи клапанга келиб туширилди, бу клапан айни вақтда иссиқлик алмаштирувчи прибор ҳамдир. Буғлантирувчи клапанда сув буғга айланган вақтда приборлар ишлаган вақтда ажралиб чиққан иссиқликни ютиб турди. Буғлантирувчи клапан шу тарзда созланган эдики, у станциянинг ҳароратини Цельсия билан 19-30 градус доирасида сақлаб турди.

«Луна-13» станциясидан олинган телеметрик маълумотлар ундаги ҳамма системалар пухта ва муттасил ишлаб турганлигини кўрсатди.

* * *

1966 йил 21 декабрь Москва вақти билан соат 13 дан 17 минут ўтганда парвоз қилган учирувчи ракета «Луна-13» автомат станцияси билан ракета блокини Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасига чиқариб қўйди. Худди қатъий мўлжалланган вақтда ракета блоки станцияни Ойга учиш траекторияси бўйлаб парвоз қилиш учун зарур тезлик билан учириб юборди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази берган маълумотларга кўра, 22 декабрда станция ҳаракати тўғрилаб қўйилди, шунинг натижасида парвознинг янги троекторияси ҳақиқатда Ойга қўнишга мўлжалланган нуқтага йўналтирилди.

Станция Ойга яқинлашиб қолган пайтда, Ойга қўнишдан 2 соат аввал станцияни тормозлантиришга тайёргарлиқ кўрила бошланди. Станциянинг фазодаги ҳаракати тўғриланди, стабиллаштирилди ва соат 20 дан 59 минут ўтганда тормоз двигатели ишга солинди. 1966 йил 24 декабрь Москва вақти билан соат 21 дан 01 минут ўтганда «Луна-13» станцияси Бўронлар океани районида Ойга юмшоқ қўндирилди.

Станция Ойга қўнгач, орадан тахминан 4 минут ўтгандан кейин станция ичидаги программ-вақт қурилмасининг командаси билан станция иш ҳолатига келтирилди ва у билан биринчи радио алоқа сеанси бошланди. Телеметрия маълумотлари станциядаги ҳамма системалар нормал ишлаб турганлигини, унинг ичидаги ҳарорат ва босим белгиланган доирада эканлигини кўрсатди.

«Луна-13» станцияси «Луна-9» автомат ой станцияси ойга қўнган жойдан 400 километрча наридаги районга юмшоқ қўнди. Иккала станция ойга қўнган районларнинг морфологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишини айтиб ўтиш муҳимдир. Агар «Луна-9» станцияси ойнинг бутун ғескари тарафита тарқалган қитъа қалқонининг шарқий чеккасига бевосита яқин жойга бориб тушган бўлса, «Луна-13» автомат ой станцияси «денгиз» типидаги жуда катта текисликка қўнди.

Станция қўнган жой яқинида Селевк (диаметри 43 километр) ва Скиапарелли (диаметри 24 километр) кратерлари бор. Станция қўнган жойнинг атрофида 100 километргача бўлган радиусдаги майдонда ҳажми 3,5 километрдан ортиқ бўлган тепаликлар учрамайди. Бундан ташқари шу атрофда айтарли йирик тепаликлар йўқлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Станция юборган фотографияда уфқ чизиғи бир текис эканлиги шуни кўрсатиб турибди.

Станция қўнган районнинг ердан қилинган кузатишлардан маълум бўлган энг диққатга сазовор хусусияти шуки, бу ерда ёриқлар деб юритиладиган ва узунлиги бир неча ўн километрга борадиган жарликлар жуда кўп. Бу ёриқлар тармоқларга таралиб кетган бўлиб, ғарби-жанубдан шарқи-шимолга қараб чўзилган. Шу районда кўзга ташланувчи жуда кўп ёруғ доғлар турли-туман чуқурликлар шу ерга келиб туташганлигидан далолат беради.

«Луна-13» станцияси қўнган район ўзининг баъзи бир хусусиятларига кўра, ойнинг ғескари томонида жойлашган ва 1965 йил ёзида «Зонд-3» планеталараро автомат станция суратга олган шарқий денгиз областини эслатади.

«Луна-13» станцияси бу ерга қуёш шуъласи тушмасдан олдин қўндирилган эди. Қуёш 25 декабрь Москва вақти билан соат 3 дан 30 минут ўтганда чиқди. Станция қўнган район экватор яқинида бўлганлиги сабабли у ерда қуёш уфқ чизиғига нисбатан деярли тик кўтарилиб борди, бунда у соатига 0,5 градус баланд кўтарила берди. Қуёш уфқдан оггунча, яъни ойда куннинг иккинчи ярми бошлангунга қадар объектларнинг ғарбдан шарққа борувчи (тушдан кейин—шарқдан ғарбга борувчи) соялари ўз йўналишини деярли ўзгартирмайди. Демак, ой манзараси фрагментларини дунёдаги мамлакатларга қаратишнинг оддий имконияти мавжуд экан. Станция юборган фотосурат станциядан жануб томондаги ой манзарасини тасвирлайди. Бу сурат тасвирлар қабул қилиб олинган учинчи сеанс вақтида берилди. Теварак-атрофдаги жойларнинг дастлабки тасвирлари юборилаётган пайтда қуёш 6 градус кўтарилган эди. Иккинчи сеанс вақтида қуёш 19 градус кўтарилган эди ва ниҳоят панораманинг бу фрагменти қуёш уфқ тепасида 32 градус чамаси кўтарилган пайтда олинди. Ой манзараси деталлларининг кўриниши жуда кўп жиҳатдан ёритилиш шароитига боғлиқ. Ой юзасининг ана шундай акс эттирувчилик хусусияти ердан қилинган кузатишлардан аллақачоноқ маълум эди. Ой замини қуёш томонга энг кўп миқдорда нур таратади. Қуёш қанчалик паст тушса, унинг бу хусусияти тобора ёрқинроқ намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда қуёш томонидан кузатув ўтказилган вақтда ой манзарасининг ёруғлиги жуда кучайиб кетади. Шунинг натижасида иккинчи сеанс вақтида берилган манзарада станция сояси атрофида ёруғ чамбарак пайдо бўлиб қолди.

Олинган тасвирларнинг дастлабки анализи шуни кўрсатмоқдаки, «Луна-13» станцияси қўндирилган жойдаги заминнинг структураси «Луна-9» станцияси қўндирилган ва шу йил ёзида флемстид кратери районида юмшоқ қўндирилган Американинг «Сервейер-1» станцияси қўнган районларнинг замини структурасига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Жуда яқиндан қараганда ой юзаси ниҳоятда ўйдим-чуқур эканлиги, бир неча миллиметр келадиган айрим доначалар ҳам кўринади. Ойда чанг қатлами йўқлиги яна бир марта исботланди.

Станция атрофида кратерга ўхшаш бир қанча чуқурликлар, шунингдек бир неча сантиметрдан тортиб, каттароқ ҳажмдаги кўп миқдорда тошлар кўзга ташланади. Тепаликлар ва чуқурликларнинг жойланишини ўрганиш, бу тошлар ой юзасига паст тезлик билан тушган деган хулосани тасдиқлайди. Буларнинг пайдо бўлишига сабаб ё вулқоннинг отилиб чиққанлиги, ёки метеоритлар зарбаси натижасида дастлабки кратерлар пайдо бўлганлигидир. Бунинг устига тошларнинг тушиш траекторияси анча тик бўлган, чунки акс ҳолда (траектория ётиқ бўлган тақдирда) ой юзасида тошларнинг келиб чиқиш манбаини кўрсатувчи излар колган бўлур эди. Бинобарин, тошларнинг минералогик таркиби тупроқнинг таркиби билан бир хилдир. Бу тошлар метеоритлар эмаслиги шубҳасиздир: метеоритларнинг ер юзаси билан тўқнашиш тезлиги секундига 2,4 километрдан кам бўлиши мумкин эмас, бу эса портлаш рўй бериб, ой сатҳида кратерсимон чуқурликлар пайдо бўлишига муқаррар равишда олиб келиши лозим эди.

Расм 4. «Луна-13» совет автоматик станциясидан олинган Ой манзарасидан бир кўриниш.

Олинган суратда афтидан яхлит парча қулаб тушган пайтда вужудга келган тошлар туркуми (юқоридаги чап бурчакда) яхши кўриниб турибди. Суратнинг қуйи чап қисмида ғоят диққатга сазовор, силлиқ формадаги худди ер тагидан туртиб чиққандек бўлиб турган тошнинг узун сояси кўзга ташланади. Бундан ташқари фотосуратларда станция ойга қўнаётган вақтда чиқариб қўйилган унинг деталлари ҳам кўринган. Фотосуратларни синчиклаб ўрганишга анча вақт керак бўлади.

* * *

Илмий тадқиқотлар программасини бажариш учун «Луна-13» автомат станциясига:

—Ойдаги моддаларнинг энг ташқи қатлами (бир неча сантиметр доирасида) хоссаларини аниқлашга имкон берувчи ўлчов штамп—грунтомери;

—Автомат ой станцияси ой юзасига қўнган вақтда рўй берадиган динамик юклама импульсининг қанча вақт давом этишини ва катталигини рўйхатга олувчи динамограф;

—Ойдаги моддаларнинг вазни (зичлиги)ни аниқлашга ёрдам берувчи радиацион плотномер ўрнатилган эди.

Шу приборлар ёрдамида биргаликда ўтказилган ўлчовлар станция қўнган нуқтада ой юзасининг физик-механик хоссалари тўғрисида турли-туман маълумотлар олиш имконини берди.

Станцияда ой юзаси атрофидаги радиация муҳитини тадқиқ қилиш соҳасида «Луна-9» станцияси ёрдамида бошланган ишларни давом эттиришга мўлжалланган космик нурларни қайд қилувчи прибор ҳам бор эди.

Ўлчов штамп-грунтомернинг титандан ясалган найзасимон қалпоқчаси бор эди. Қалпоқча порохли кичик реактив двигателга уланган бўлиб, у бир секунд мобайнида 7 килограмм чамаси куч билан ишлай олиши ва штамп шунинг таъсирида ой заминининг юзасига ўрнашиб қолиши лозим эди.

Динамограф юкламанинг пьезо-электрик датчикларидан ва станция қўниши вақтида юз берадиган тезлик импульсининг муддати ва ҳажмини эслаб қолувчи электрон схемадан иборат эди.

Ой сатҳининг станция қўнган зонасидаги механик хоссалари ана шу параметрларга қараб баҳоланди, чунки юкламанинг кўпроқ амплитудага эга бўлган қисқа импульси ой сатҳининг қаттиқ эканлигини, анча узоқ, лекин амплитуда жиҳатидан кичик бўлган импульси эса, ой сатҳининг юмшоқ эканлигини кўрсатади.

Олинган тезланиш импульси билан ер шароитида ўтказилган модель тажрибаларининг натижаларини дастлабки синаб кўриш ой юзасидаги 20-30 сантиметр чуқурликдаги қатламнинг механик хоссалари ўртача зичликдаги ер заминининг хоссаларига яқин туради деб ҳисоблашга асос беради.

Ойдаги моддаларнинг механик хоссаларини ўлчаш билан бирга унинг зичлиги (ҳажмий вазни) тўғрисидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор эди. Маълумки, астрономик кузатишларнинг маълумотларига қараб белгиланган ой моддасининг ўртача ҳажмий вазни (умуман ой учун) ер моддасининг ўртача ҳажмий вазнидан камроқдир (ер учун ҳар куб сантиметрга 5,51 грамм тўғри келса, ой учун ҳар куб сантиметрга 3,34 грамм тўғри келади). Ой ташқи қатламининг зичлиги ҳам шу вақтга қадар фақат астрономик методлар билан тадқиқ қилинар эди, ой юзаси қатламининг ҳажмий вазни биринчи марта «Луна-13» станцияси ёрдамида бевосита ўлчаб турилди.

Ой моддаси зичлигини ўлчовчи прибор («радиацион плотнометр) қуйидагилардан иборат:

— Гамма нурларининг кичик радиактив манбаи;

—Гамма — квантлар газ парчалаш счётчикларининг учта блоки;

—Газ парчалаш счётчикларини манбадан чиқувчи гамма нурларнинг бевосита тушувидан ҳимоя қилувчи экран бор.

Модда зичлигини ўлчагич прибор ой сатҳи билан туташганда, ой сатҳи манбадан келувчи гамма-квантлар билан нурланади ва уни ҳамма томонларга тарқатади. Тарқалган квантларнинг муайян қисми приборларнинг газ парчалаш счётчикларига тушади, бу счётчиклар тарқалган оқим тезлигини ўлчайди. Тарқалган гамма—квантлар оқимининг жадаллиги Ой моддасининг зичлигига (вазнига) пропорционал эканлиги маълум. Дастлабки маълумотларга кўра, ой сатҳи тарқатган гамма—квантлар оқимининг жадаллиги бир куб сантиметрга бир граммдан ошмайдиган зичликка тўғри келади. Яъни бу зичлик ер заминининг зичлигидан ва Ой сатҳининг ўртача зичлигидан анча камдир. Ўлчаб кўрилган зичлик ғовак ёки заиф бириккан донадор жисмларнинг зичлигига яқин келади.

Космик корпускуляр нурларни қайд қилиш учун «Луна-13» станциясига ўрнатилган прибор лозим бўлган пайтда ишга тушадиган газ парчалаш счётчикларидан иборат эди. Бу прибор «Луна-9» станциясидаги аппаратлардан фарқли ўлароқ гамма нурларни қайд қилмади, балки космик нурлар таркибидаги зарядли корпускулларнигина рўйхатга олди ва шу тариқа ой сатҳининг космик нурлар учун қайтарғичлик қобилиятини (альбедони) аниқлаш имконини берди. Маълум бўлишича, ой сатҳи космик фазодан ўзига тушадиган заррачаларнинг салкам 25 процентини «қайтарар» экан. Бунинг сабаби шуки, космик нурлар таркибида анча катта энергияга эга бўлган заррачалар бор. Бундай заррачалар ой моддаси орқали ўтган вақтда иккиламчи заррачалар пайдо бўлади ва улар бирламчи энергиянинг бир қисмини ўзига олади. Иккиламчи заррачаларнинг баъзи бирлари бирламчи заррачаларнинг йўналишига қараганда анча қийшиқ бурчак билан ҳаракат қилади. Шу тариқа ой космик нурлар таъсирида анчагина энергияга эга бўлган заррачалар таратади «шуъла бериб туради». Бироқ, Қуёш осойишта ҳолатда бўлган вақтда ойдаги юксак энергияли заррачаларнинг ялпи жадаллиги унчалик катта бўлмаслигини ўлчовлар кўрсатди.

«Луна-13» станциясидаги ана шу приборнинг ўзи «Луна-9» станциясида ўрнатилган шунга ўхшаш приборнинг ой сатҳида радиоактивлик кам эканлиги тўғрисидаги хулосасини тасдиқлади.

* * *

Қуёш системасининг келиб чиқиши, бошқа планеталарда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда осмон жисмларининг ички тузилиши сингари фандаги энг муҳим проблемаларни янгича ҳал этиш имконини берувчи маълумотларни космик аппаратларгина бизга етказиши мумкинлиги хусусида энди ҳеч қандай гумон йўқ. Шу жиҳатдан олганда, ойга берилаётган эътиборнинг сабаби ойнинг бизга энг яқин жойлашган осмон жисми эканлигида ва бинобарин, турли тажрибалар учун энг қулай жисм эканлигидагина эмас, шу билан бирга еримизнинг йўлдоши ўзининг бир қатор хусусиятларига кўра, қуёш системасидаги жисмлар группасига жуда ўхшашлигидадир.

Бинобарин, ойни тадқиқ қилиш соҳасидаги янги ишлар — космик сирларни бундан буён ҳам ўрганиш йўлидаги муҳим босқичдир.

(ТАСС).

Расм 2. Ойнинг кўриниб турган томонининг харитаси. «Луна-13» совет автоматик станцияси қўнган район стрелка билан кўрсатилган.

Расм 3. «Луна-13» совет автоматик станцияси оҳистагина қўндирилган район. Станция қўнган ер селенографик координатлар бўйича шимолий кенглигининг 18 градус 52 минути ва ғарбий узунлигининг 62 градус 03 минути — қўшув аломати билан кўрсатилган. Ҳар бир тўрт бурчакнинг майдони 60Х60 километрдир.

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА

СИРДАРЁНИНГ НУРЛИ МАРЖОНИ

Ховосдан Фарғона водийсига қараб кетган темир йўл Мирзачўлдаги Мичурин номли совхоз далаларини кесиб ўтади. Бу ерлар жуда серфайз, чиройли жойлар.

Шу кунларда совхоз далаларини кун-тун бетиним ишлаётган экскаватор ва бульдозерларнинг наъраси тутиб кетди. Бу ерда мамлакатимизда йирик Сирдарё ГРЭСи қурилиши бошлаб юборилди. Бу энергия гиганти қурилиши КПСС XXIII съездининг янги беш йиллик ҳақидаги Директиваларида ҳам кўрсатилган. Орадан яна бир неча йил ўтгандан кейин Сирдарё нурхонаси республиканинг шаҳарлари ва қишлоқларига, қўшни республикаларга электр қувватини бера бошлайди. ГРЭС Янгиер районининг Мичурин совхози территориясида қуриляпти. Янги объектнинг чор томони саноат районлари билан ўралган. Унинг жануб томонида Янгиер шаҳри, шимолида эса Бекобод.

Янги ГРЭС қурилиши билан шуғулланаётган «ГолодностепГЭСстрой» бошқармаси бошлиғи Семён Семёнович Функ ҳузуримиз. Семён Семёновичнинг олдидаги яшил мовут тўшалган столда Сирдарё ГРЭСининг макети турибди. Станциянинг асосий корпуси металл каркаслардан иборат. Олтита трубасидан ҳар бирининг баландлиги 180 метр ёки Тошкент телестудиясининг антеннаси баландлиги билан тенг бўлади. Янги ГРЭС 1974 йилда батамом қуриб битказилиши керак. Саккиз йил давомида жами 264 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Бу ерга 4 та 300 минг киловатт қувватга, 6 та 500 минг киловатт қувватга эга бўлган агрегат ўрнатилади. Биринчи агрегат 1969 йилда ишга туширилиши керак. ГРЭС тўла ишга туширилгач, қуввати 4 миллион 400 минг киловатт бўлади.

Шу кунларда Сирдарё ГРЭСи қурилишига олиб борувчи йўллар ғоят серқатнов бўлиб қолган. Юк поездлари, машиналарда турли-туман қурилиш материаллари, металл конструкциялар ва йиғма уйлар келтирилмоқда. Қурилиш ишлари тобора авж оляпти.

Ҳозирча иккита қурилиш участкаси ташкил қилинди. Бу участкалар қурилишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширмоқдалар. Саноат объектлари қуриш билан шуғулланаётган В. Швецов бошлиқ участка коллективи суткасига 200 кубометр бетон тайёрлаб берадиган завод, 100 автомашина сиғадиган гараж, 14 километрли автомобиль йўлини қуриб битказдилар. Коллектив айни пайтда темир йўл шохобчалари қурмоқда.

Янги энергия гиганти қурилишида фидокорлик кўрсатаётган қурувчиларнинг кўпчилиги ғоят тажрибали, меҳнатда тобланган кишилардир. Мана, шулардан бири бетончилар бригадасининг бошлиғи Тўхтасин Жўрабоевни олайлик. Уни ҳозир Сирдарёда танимайдиган одам кам топилади. Тўхтасин ака 1943 йилда Намангандан Фарҳод ГЭСи қурилишида ишлаш учун келганди. Шундан бери қарийб чорак аср вақт ўтди. Йиллар Тўхтасин акани ҳар томонлама камолга етказди. У ҳозир бошқарманинг энг кекса, тажрибали қурувчиларидан ҳисобланади. Тўхтасин Жўрабоев Сирдарёни тўсишда қатнашганлиги учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланганди, қўриқ ерлардаги қурилишларда шижоат кўрсатганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени олди. Янги ГРЭС қурилишидаги Равшан Султонов, Обид Хоназаров ва Халил Каримовлар ҳам Фарҳод ГЭСи қурилишидан бери Тўхтасин Жўрабоев билан бирга ишлаб келишмоқда.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

БИЗНИНГ АХБОРОТ

САҲНАМИЗДА ПОЛЯК ЭСТРАДАСИ

Янги йилимиз янги қувончлар билан келди. Шу кунларда айниқса тошкентлик санъат мухлисларининг шодлиги чексиз. Улар Свердлов номидаги концерт залида «Польша фестиваллари юлдузлари» деб ном чиқарган ажойиб коллективнинг гастроль концертларини мароқланиб томоша қилмоқдалар.

Меҳмон санъаткорларнинг состави ҳам, репертуари ҳам ажойиб, сараланган. Поляк эстрадасининг концертида Катажина Бовери, Богдан Лазука, Лев Лефтеров каби қўшиқчилардан иборат «Вива Мария» триосининг чиқишларини, Болеслав Громницкийнинг қизиқарли пародияларини, 16 ёшли Тари Карвайнинг ўзига хос номерларини ҳаяжонланмай томоша қилиш мумкин эмас. Петр Котт раҳбарлигидаги «Ритм» чолғу ансамблининг маҳорат билан ижро этаётган музика номерлари томошабинлар дилини айниқса хушнуд этмоқда. Концертни Сима Верник усталик билан олиб боради. Меҳмонларимиз бераётган концерт репертуарида поляк ва чет эл композиторларининг музика асарлари ҳамда ҳажвий номерлар кенг ўрин олган.

Талантли режиссёр Яцек Нежиховский бадиий раҳбарлик қилаётган бу ижодий коллектив ташкил топганига уч йил бўлган, холос. Лекин ана шу ўтган қисқа вақт ичида бу коллектив ўз номига муносиб донг қозона олди. Америка Қўшма Штатларида, Италияда, Францияда, Чехословакияда гастроль сафарларида бўлиб, концертларини муваффақият билан ўтказди.

Поляк санъаткорлари Совет Иттифоқига биринчи бор меҳмон бўлиб келдилар. Ўз гастроль концертларини Москвада бошлаб Ленинград, Киев, Львов, Харьков, Луганск, Запорожье, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Душанбе шаҳарларида меҳмон бўлишди. Тошкентда қатор концертлар бериб, Уфа, Қозон, Чебоксари шаҳарларига йўл оладилар. Сўнгра улар сафар томошаларини яна Украина шаҳарларида давом эттирадилар.

А. ЮСУПОВ.

□ □

Суратларда: 1. Катажина Бовери куйламоқда. 2. Болеслав Громницкий пародиялар ижро этмоқда. 3. Опа-сингил Барбара, Кристина, Янина Сметниналар ажойиб вокаль трио ижрочилари деб ном чиқаришган.

И. Глауберзон фотолари.

МАТЛУБОТЧИЛАР — ҚИШЛОҚҚА

Бухоро область, Ромитан район матлубот жамиятида район матлубот жамиятларининг раислари, инструкторлари, область матлубот жамиятларининг ташкилий-инструкторлик бўлимлари мудирларининг республика семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари Бухоро ва Самарқанд область матлуботчиларининг иш усуллари, қишлоқда савдони ташкил этиш, пайчилар сафини кенгайтириш ва савдо хизматида прогрессив усуллардан фойдаланиш тўғрисида докладлар тингладилар.

Семинар қатнашчилари Ромитан район матлубот жамиятининг иши билан муфассал танишдилар.

М. МАҲМУДОВ.

КОЛХОЗ ДАМ ОЛИШ УЙИ

Пайариқ районидаги Куйбишев номли колхозда дам олиш уйи ишлаб турибди. Колхозчилар бу ерда шахмат, бильярд, шашка ўйнаб, янги газета-журналлар ўқишиб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

А. ТУРСУНОВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Куйлар, 9.30 — «Ўзбекистоннинг лирик манзаралари», 9.45—«Бухоро саноати беш йилликнинг иккинчи йилида» (тож.), 10.30 — Концерт (халқ талантлари), 11.10 — Ҳиндистон ва Покистон давлатлари бошлиқлари Тошкентдаги учрашувларининг бир йиллиги олдидан (рус.), 11.25 — Чолғу куйлари, 12.15 — Спорт, 12.30—Севги қўшиқлари, 13.30 — Концерт, 16.15 — Композитор Юнус Ражабий ижоди, 18.10 — Ленин ҳақида ҳикоялар, 18.30 — Концерт, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — Юбилей йилининг янги қурилишлари (рус.), 20.10—Концерт, 20.45 — «Ислом ва унинг муқаддас китоби» (суҳбат), 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 —Дунё воқеалари, 22.10—Қўшиқлар, 22.40 — Ўзбек классик асарларининг янги таржималари (рус.), 23.20—Лирика кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Концерт** (болалар боғчасида тарбияланувчилар ижросида), 11.35 — **Уфқ** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 12.35 — **Мушук, Хўроз ва Тулки** (қўғирчоқ фильм-эртак), 13.05 — **Чўққисоқол Король** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Чевар қизлар** (ўсмирлар учун).

Рус тилида: 18.40 — **Телевизион янгиликлар**, 18.55 — **Беш йиллик илғорлари**, 19.10 — **Бўйсунмаслар авлоди** (бадиий фильм).

20.40 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Миллионлар университети**, 21.20 — **Сибирь ўлкаси билан танишув** (ҳужжатли фильм) 22.20 — **Хореография ҳақида** (Совет Шарқи композиторларининг балетлари).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 дан — **Москва кўрсатади. Тошкент кўрсатади**

Рус тилида: 18.00 — **Сеҳрли таёқча** (болалар учун кинофильм), 18.40 — Ўқув программаси. **Олий математика курси бўйича кириш қисмидан лекция** (сиртдан ўқувчи студентлар учун), 19.50 — **Телевизион янгиликлар.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 3/I да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Риголетто**, 4/I да кундуз **Демон**, кечқурун **Коппелия**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/I да кундуз **Вероналик икки йигит**, кечқурун **Қирол Лир**, 4/I да кундуз **Оқ кабутар**, кечқурун **Вероналик икки йигит.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг қишки дам олиш кунларида. **Циркда арча. РСФСР да хизмат кўрсатган** артист, йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан ва ўзбек цирк коллективи** иштирок этадилар. Томоша 10 январгача кундуз соат 12,3 ва кеч 7 да бошланади.

17-ҚИШЛОҚ ПРОФЕССИОНАЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
17 ёшдан юқориларни ўқишга ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти **экскаватор машинистлари** тайёрлайди. Билим юртига кирувчилар **аттестат** ёки 7-10 синфларни битирганликлари тўғрисида **гувоҳнома**, турар жойдан оила аҳволи, соғлиғи тўғрисида медицина **справкалари, 3х4 катталикда 2 фото сурат топширадилар, таржимаи ҳол** аризага қўшиб берилади.

Паспорт, ҳарбий билет ёки рўйхатга олинганлиги ҳақидаги **гувоҳномани** шахсан кўрсатадилар.

Қабул қилинганлар **стипендия, ётоқ, кийим** билан таъминланадилар ва **бепул** овқатланадилар.

Мурожаат учун адрес: Фарғона область, Поп район, Уйғурсой посёлкаси.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ
номли
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
(Самарқанд шаҳар, Артел кўчаси, 23-уй) қуйидаги вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш кафедрасининг мудири (медицина фанлари доктори, доцент, медицина фанлари кандидати).

Конкурс муддати 1967 йил 22 январгача.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги шахсий пенсионер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи И. Тоиров (Тоҳирий)га рафиқаси
Хосият
ТОИРОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқаро ҲАЁТ

СОЦИАЛИЗМНИНГ ЖОЗИБАДОР КУЧИ

ПАРИЖ. «Сиз қайси тузумни — капиталистик тузумни афзал кўрасизми, ёки социалистик тузумни афзал кўрасизми» деган савол билан Тунисдаги «Жен Африк» ҳафталик журнали газетхонларга янги йил анкетасини тарқатган эди. Газетхонларнинг 82 проценти социализм тарафдорликларини айтдилар. Бу анкетага Франциядаги ва Африканинг 17 мамлакатидаги 12 минг газетхондан жавоб келди. Мадагаскар, Дагомея ва Чад мамлакатларидаги газетхонлар ўзларининг социализмга тарафдор эканликларини айниқса қатъий қилиб айтдилар. Бундайлар газетхонларнинг Мадагаскарда 94,35 процентини, Дагомеяда 91,67 процентини ва Чадда 91 процентини ташкил қилди. Газета шу анкета натижаларини шарҳлаб ёзган мақоласида ҳар бир африкалик учун капитализм «ажнабийларнинг ҳукмронлиги, гигант монополиялар томонидан заиф мамлакатларга мажбуран қабул қилдирилган қонунлар демакдир!» деб таъкидлайди. (ТАСС).

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ИШОНЧ

ИСТАНБУЛ, (ТАСС). Туркия матбуоти СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг Туркияга қилган визитини ҳали ҳам кенг шарҳламоқда.

Профессор Алтуг «Ени газете» газетасида қуйидагиларни ёзади: «Яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш асосида муносабатларни ривожлантириш идеяси қўшма ахборотнинг негизидир. Ахборот Туркия ва Совет Иттифоқи ҳукуматлари халқаро кескинликни юмшатишга, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва уруш хавфининг олдини олишга ёрдам беражакларини исбот қилади. Ҳар иккала ҳукумат Яқин ва Ўрта Шарқда тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлашга астойдил интилаётганликларини намойиш қилди». Газета ҳуқуқий тенглик, ички ишларга аралашмаслик, бир-бирларини ва суверенитетни ҳурмат қилиш принциплари асосида муносабатлар ўрнатилиши «ҳар иккала давлат учун кўп самара бера олиши»ни таъкидлаб, ахборотнинг ана шу принципларни тасдиқлаганлигидан фақат қувониш мумкин, деб уқтириб ўтади.

«Абжи» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Косигиннинг Туркияга қилган визити ҳар иккала мамлакатнинг яқинлашувига ва Ўрта Шарқда тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам берди».

А. НОВОТНИЙНИНГ ЯНГИ ЙИЛ НУТҚИ

ПРАГА. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний радио орқали сўзлаган нутқида бундай деди: 1967 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясига 50 йил тўлади. Чехословакия республикаси ана шу революциянинг ғалабаси туфайли. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи туфайли вужудга келди ва республикамиз 1945 йилда шунинг натижасида озод қилинди, биз шу орқали ҳозирда социалистик турмушни кенг жабҳа бўйлаб қурмоқдамиз. Октябрь революцияси кўрсатиб берган мақсад сари бизни олиб бораётган янги йўлларни белгилаб олмоқдамиз. Шу сабабли, деб давом қилди А. Новотний, Октябрнинг 50 йиллиги бутун прогрессив инсоният учун бўлгани каби мамлакатимиз халқлари учун ҳам буюк байрам бўлади. В. И. Ленин таълимоти ва стратегиясининг тўғрилиги Октябрнинг ғалабаси билангина исботланиб қолмасдан бутун инсониятнинг кейинги ярим асрлик тарихи ва ҳозирги вақтда ер юзининг энг қудратли давлатларидан бири бўлиб турган, ўз қудрати билан бутун тараққиёт ва ялпи тинчлик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган Совет Иттифоқининг тарихи билан ҳам исботланди.

А. Новотний ўтган йилнинг натижаларини якунлади ва янги йилдаги вазифаларни айтиб берди. 1967 йилда, деди у, Чехословакия халқ хўжалиги планлаштириш ва раҳбарликнинг янги, такомиллаштирилган системаси принциплари асосида ривожлана беради.

А. Новотний Вьетнам халқига ёрдам кўрсатмоқ учун барча социалистик мамлакатларнинг, империализмга қарши бўлган бутун прогрессив фронтнинг куч ва ғайратини бирлаштириш ҳамда барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. (ТАСС).

Финляндиянинг аҳолиси

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндиянинг аҳолиси 4.651.200 кишига етди. Хельсинкида 518.200 киши истиқомат қилмоқда.

ҚАЙЛИҚ АХТАРИБ...

Жан АНБЕР,
Француз юмористи.

(ҲАЖВИЯ)

<> <>

Ярим асрлик умрим бўйдоқ ўтиб, охири уйланишга астойдил бел боғладим. Кейинги пайтларда «Амур» деб аталувчи никоҳ бюросининг эълонларига кўзим тушганда, айниқса бу аҳдим янада қатъийлашиб кетди. Эълонларнинг мазмуни қуйидагича эди:

«Амур» бюроси кўп кишиларнинг бахтини очган!

Ишни кейинга сурманг! Фақат биздагина истаган қайлиғингизни топишингиз мумкин!!!».

Бюро шаҳар марказида эди. Ҳаворанг кийимига юрак нусха зарҳал тугмалар қадалган хушрўйгина йигит кираверишда икки букилиб қарши олди. Пастаккина столда ўтирган чиройли қиз менга ишва билан боқди-ю, йигирма франкка туширди.

— Энди марҳамат қилинг,— деди у шивирлаб, — нариги хонага киринг! У ердаги эшикларга хат ёзиб қўйилган, шуларни ўқиб, кўнглингиз тусаганича иш тутинг!.. Тақдирингиз энди ўз қўлингизда, жаноб!..

Мен қизга раҳмат айтиб, қўшни хонага кирдим. Қаршидаги деворнинг иккита эшиги бор экан. Биринчи эшикка **«Вафодор хотин»**, иккинчисига эса **«Садоқатли эр»** деб ёзиб қўйилган экан.

Табиийки, мен «вафодор хотин»ни ваъда қилган эшикка кирдим... Қарасам, яна иккита эшик. Ўнг томондагисида **«Сариқ сочли қиз»** деган ёзув, чапдагисида эса **«Қора сочли қиз»** деган ёзув...

Тўғрисини айтсам, мен сариқ сочли қизларни кўпроқ ёқтирардим. Шунинг учун ўнг томондаги эшикни очган эдим, яна иккита эшикнинг олдидан чиқиб қолдим! Чапдаги эшикка **«Энди бўйи етган қулинг ўргилсин жононлар»** деб ёзилган, ўнгдагисига эса **«Кўпни кўрган тажрибали аёллар ва тул хотинлар»** деб ёзилган. Дилимга қайсиси ёққанини ўзларинг ҳам билган бўлсаларинг керак. Чапдаги хонага кирган эдим, рўпарадан яна иккита эшик чиқса бўладими! Бирида **«Оҳудай баркамол қизлар»** деган ёзув, иккинчисида **«Бақалоқ ожизалар»** деган ёзув...

Мен кўп бош қотириб ўтирмадим — чунки қайлиғинг оҳудай гўзал бўлса, унга нима етсин! Тўғри эмасми?..

Лекин бешинчи хонада ҳам жон асарини топмадим. Яна икки эшигу, икки хил ёзувга дуч келдим: **«Қариндош-уруғи кўп», «Сўққа бош».**

Бўлажак хотиним бутун эътибори-ю, бутун меҳрибончилигини менга бағишласа деб ўйлаб юрардим. Шунинг учун иккиланмай «сўққа бош» деган эшикни очдим.

Бу хонада ҳам ҳеч ким йўқ экан. Ўзимни худди ғалвирга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Олдимда яна иккита эшик пайдо бўлди... Бу эшиклардаги ёзув бўлғуси қайлиғимнинг рўзғор ишларига эпчиллиги ёки ношудлиги ҳақида маълумот берарди: **«Пайпоқ тўқишни, ўзига кийлак тикишни билади, пазанда».** Иккинчисида эса **«Уйин-кулгини, хизматкор тутишни яхши кўради»** деган ёзув.

Мен, сўзсиз, «пазанда»га ошиқ бўлиб қолдим. Эшик туткичини тортишим билан яна икки эшикка кўзим тушганда ҳатто сал бўлса ҳам ажабланиб ўтирмадим. Қайтага «Амур» бюросининг ўз жононларини бир чеккадан пучагини пучакка, сарагини саракка ажратиб қўйгани менга жуда ҳам ёқди!.. Бу ердаги ёзувлар келинчакларнинг ақлий ва маънавий жиҳатларини таърифлашга қаратилган эди: **«Олийжаноб, кўнгилчан аёл», «Истеъдодли, маънавий жиҳатдан юксак аёл...».** Истеъдод ва маънавий юксаклигим икки кишига етиб ортишини назарда тутиб, мен тўққизинчи хонага қадам қўйдим. Ўнг томонда **«Эри учун жонини фидо қилади»** деган ёзув, чапда эса, **«Ҳар доим эрининг елкасида юришни хоҳлайди»** деган ёзув...

Мен учун жонини фидо қилса-я! Ана шунақаси керак-да бизга!

Ўнинчи хонада ҳам яна иккита эшикка дуч келдим. Бу ердаги ёзувларни ҳал қилиш ҳам анча-мунча муаммо эди. Биринчи эшикка **«Бой, дангиллама уйи бор»**, иккинчи эшикка эса **«Ҳеч нарсаси йўқ, камбағал аёл»** деб ёзиб қўйилибди.

Қайси эшикни очишимни шундоқ ҳам билсаларинг керак! Ахир, бошимга бахт қуши қўниб турганда лаллайиб ўтирармидим!

Ҳалиги эшикни очсам... катта кўчага чиқиб қолибман!

Эшик олдида ўтирган, ҳаворанг кийимига юрак нусха зарҳал тугмалар қадалган хушрўйгина йигит индамай менга кизғиш бир конверт узатди. Очиб қарасам, ичида кичкина кўзгу билан икки энлик хат бор экан:

«Нотавон кўнглингизга кўтир жомошов! Бўлғуси қайлиғингизга бунчалик катта талаб қўйишдан олдин, мана шу кўзгуда ўзингизни яхшилаб кўриб олинг!..

Салом билан — «Амур».

(«НЕДЕЛЯ»дан).

БУ ҲАМ ЯНГИ ЙИЛГА ТОРТИҚ

ВЕНА. Янги йилнинг биринчи кунидаёқ австриякликларга ғалати тортиқ қилинди: энг зарур озиқ-овқат молларининг нархлари оширилди. Нон, кондитер буюмлари, макарон, сут, пишлоқ, болалар овқати маҳсулотлари қимматроқ бўлиб қолди. Ўтган йилнинг кейинги икки ойи мобайнида нон нархи 15 процент кўтарилди.

Шаҳар транспортининг кира ҳақи оширилди.

Австрия иқтисодий тадқиқотлар институтининг маълумотларига қараганда, 1966 йилда нархларнинг ўртача даражаси бундан олдинги йилга нисбатан 4,3 процент ошган. (ТАСС).

Қисқа хабарлар

● **Германия Демократик Республикасида пўлат ишлаб чиқариш 1966 йилда 4 миллион тоннадан ортиб кетди. Республиканинг металлургия саноати йиллик планни ошириб бажарди.**

● **Болгария марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда мамлакат аҳолиси 8.285.000 кишидан иборат.**

● **Иттифоқ статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Югославия аҳолиси 1966 йил ўрталарида 19.741.000 кишини ташкил этган. (ТАСС).**

АФРИКАГА САЁҲАТ

Яқинда Москвага Ўзбекистон меҳнаткашларининг бир группа вакиллари келишди. Улар Ўзбекистон ССР республика касаба союзлари Советининг туристик йўлланмаси билан Ливан, Сурия ва Ироқ республикаларига жўнаб кетадилар.

Ўзбекистонлик сайёҳлар 15 кун давомида бу мамлакатлар халқларининг ҳаёти, маданияти билан танишадилар. Бағдод, Мосул, Басра, Дамашқ, Байрут каби катта шаҳарларнинг диққатга сазовор тарихий архитектура ёдгорликларини кўрадилар.

Республикамиз меҳнаткашларининг чет элларга ана шундай қизиқарли саёҳатлари йилдан-йилга ортмоқда. Шу жиҳатдан касаба союзлар Советининг чет эллар туризми бўлими 1967 йилнинг биринчи квартали учун бир қанча маршрутлар бўйича туристик саёҳатлар планини тузди. Шунга асосан ҳозирча теплоходда Шарқий Африкага саёҳат этиш кўзда тутилмоқда. Туристлар бир ой мобайнида Туркия, Греция, Ливан, Бирлашган Араб Республикаси, Яман, Танзания, Адан ва Кениянинг катта шаҳар ва портларида бўлишади.

АНДРЕЙ БИБА ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Янги йил арафасида «Футбол» ҳафталик газета редакциясида 55 журналист мамлакат чемпиони ва СССР Кубоги эгалари Киев «Динамо» командасининг капитани Андрей Бибани 1966 йилги энг яхши футболчи деб топдилар.

СССР терма командасининг дарвозабони Лев Яшин ва терма команда капитани Альберт Шестернёвлар эса иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олишди. Шунингдек фахрли олтиликка кирган Эдуард Стрельцов («Торпедо» Москва), Анатолий Бишевец («Динамо» Киев) ва Валерий Воронинлар ҳам бу конкурсда ўтган икки йилнинг энг кучли футболчилари деб эълон қилинди.



Болгариядаги «Трояново-2» конида кўмирни очиқ усулда қазиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Мамлакатдаги энг улкан бу кон лойиҳасини совет мутахассислари тайёрлаб беришди.

БТА—ТАСС фотоси.

ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМА

1634 йилнинг бошларида Мадрид аҳолиси машҳур драматург Кальдероннинг янги пьесасини олқишлар билан кутиб олди. Пьеса чех миллатидан бўлган герман саркардаси А. Вальдштейнга бағишланган эди. Лекин, асарнинг премьераси тугаши биланоқ саркарда Вальдштейн габсбурглар сулоласига хиёнат қилганлиги учун уни Хеб шаҳрида ўз офицерлари ўлдирганлиги ҳақида хабар келиб қолди. Спектаклни дарҳол тақиқлаб, қўлёзмани йўқотиб юборишди. Чех олими профессор В. Чернийнинг аниқлашича, воқеа худди шундай бўлган. Профессор яқинда Кальдерон драмасининг сюжетини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Чех олими шу билан испан драматургининг иккинчи асарини кашф қилди. Бундан илгари у Кальдерон асарларининг рўйхатидагина тилга олинган «Буюк Гандия герцоги» драмасини топган эди.

Яқинда олимнинг изланишлари яна бир самара берди. «Буюк Гандия герцоги»нинг қўлёзмаси топилган ўша Младовожицц қасрида қадимий асарларнинг қўлёзмалари орасида Кальдероннинг яна бир пьесаси тексти қўлга киритилди. Бу асар «Ҳатто ҳақиқатга ҳам ишониб бўлмайди» деган комедия экан. Дарвоқе, бу комедия ҳам фақат олим тузган рўйхатдагина тилга олинган эди. Чех олимига бу қўлёзмаларни топишда қаср бекаси, драматургнинг мухлиси Мария Гаррах хоним катта ёрдам берган. Гаррах хоним Кальдероннинг нашр этилган ва эълон қилинмаган пьесаларини йиғиб юрар экан.

Профессор В. Черний пухта таҳлиллардан сўнг «Ҳатто ҳақиқатга ҳам ишониб бўлмайди» комедияси албатта Кальдеронники деб хулоса чиқарди. «Бу асарда, — дейди профессор, — Кальдероннинг драматурглик маҳорати бутун қирралари билан кўзга ташланиб туради. Мураккаб можаролар, ажойиб сюжет қуриш маҳорати, шиддатли воқеалар, ўткир суҳбатлар шундан далолат беради.

Асар саҳнадан саҳнага ўтишда ўткирлаша боради. Икки йигит икки ёш қизга ошиқ бўлишади. Ошиқ-маъшуқлар бир-бирини юракдан севади, қаттиқ рашк қилишади. Автор ошиқлар психологиясини, аёлларнинг макр-ҳийлаларини чуқур билгандиги яққол кўриниб турибди.

Ҳозир бу қадимий комедия чех тилига таржима қилинмоқда. Профессорнинг айтишича, у яқин вақтларда саҳнага чиқиши мумкин. «Буюк Гандия герцоги» эса ҳозир испан тилидан ташқари немис тилида ҳам машҳур бўлиб кетди. У 1966 йилнинг май ойида Вена фестивалида намойиш қилинди.

Р. БЕЛОУСОВ,
«Литературная газета»дан.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво очиқ бўлади, айрим жойларга туман тушади. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 8-13 даража совуқ, қолган районларда 2 даража совуқ ва 3 даража иссиқ бўлади. Жануб томонда 2-7 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат кечаси 11-13 даража совуқ, кундузи 0 атрофида бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914. В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик—В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250. В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258..

№ А — 2. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 00501.